

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОРХОНАЛАРИДА САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Кириш	
I-БОБ. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликнинг мазмуни, самарадорликни оширишнинг объектив зарурлиги ва муаммолари.....	
1.1.	Хизмат кўрсатиш соҳасининг ижтимоий-иқтисодий мазмуни, турлари ва улар самарадорлигини оширишнинг назарий муаммолари.....
1.2.	Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни оширишнинг объектив зарурлиги.....
1.3.	Хизмат кўрсатиш соҳасининг мамлакатимиз иқтисодиётида тутган ўрни.....
II-БОБ. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни оширишнинг истиқболли йўналишлари	
2.1.	Хизмат кўрсатувчи субъектлар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни баҳолашнинг концептуал йўналишлари.....
2.2.	Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари самарадорлигини оширишда стандартлаштириш ва сертификатлаш тизимини такомиллаштириш масалалари.....
2.3.	Хизмат кўрсатиш соҳаси билан шуғулланадиган корхоналарда самарадорликни оширишга таъсир этувчи омиллар ва уларни аниқлаш йўллари
Хулоса.....	
Адабиётлар рўйхати.....	
Иловалар.....	

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Мустақиллик йилларида иқтисодий эркинлаштириш ва жамиятни модернизациялашга қаратилган ислохотлар, мамлакат иқтисодиётида чуқур таркибий ўзгаришларга ва нодавлат мулкига асосланган хусусий секторнинг вужудга келишига сабаб бўлди. уларнинг асосий қисми хизмат соҳасига тўғри келмоқда. жумладан, 2009 йил 1 январь ҳолатига 483,7 мингта юридик шахс мақомига эга бўлган корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган бўлиб, шундан фаолият кўрсатаётганлари сони 444,9 мингтани ёки 92,0%ни ташкил қилади¹. Шулардан нодавлат мулкига асосланган корхона ва ташкилотлар ҳиссаси 93,0 фоизни, уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги (яим) улуши 79,4%ни, бутун банд аҳолининг 78,4%ини ташкил қилади². улар, асосан хусусий ва кичик бизнес корхоналари бўлиб, уларнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2008 йилда 48,2%ни, 2009 йилда 49,0%ни ташкил қилган бўлса, 2010 йилда 49,5%га етди. 2008 йилда иқтисодий фаолиятнинг барча соҳаларида хизматлар ҳажми 20082,7 млрд. сўм бўлиб, унинг мамлакат яимидаги улуши жорий баҳода 54,5%ни (20082,7*100:36839,4) ташкил қилмоқда. кўриниб турибдики, мамлакатимиз иқтисодиётида хизматларнинг салмоқли ўрни бор.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг муҳимлигини яна шундан ҳам англаш мумкинки, сўнгги йилларда уни ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг қатор фармон ва қарорлари, вилоятларда эса унинг ижросини таъминлаш юзасидан ривожланиш дастурлари ва бир қатор қарорлар қабул қилинди. Булар жумласига “Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (ПҚ-325, 2006 йил 17 апрель) ва “Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (ПҚ-640, 2007 йил 21 май) Президент қарорларини киритиш мумкин. Мазкур қарорлар ва улар юзасидан қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар асосида хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳасини ривожлантиришнинг мамлакатимиз ҳудудлари бўйича аниқ дастурлари ишлаб

¹ Статистическое обозрение Республики Узбекистан за 2008 год. Т.: Госкомстат Узбекистана, 2009. - 5 бет.

² Статистическое обозрение Республики Узбекистан за 2008 год. Т.: Госкомстат Узбекистана, 2009. - 7 бет.

чиқилди. Келажакда ҳам мамлакат Президенти таъкидлаганидек, “... аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтириш ғоят муҳим аҳамиятга эга”.³

Дунё бозори тизимида хизматлар бозорининг борлиги, мамлакатимизда ушбу соҳа мавқеи, унинг кишилар турмуш даражаси яхшиланишидаги ўрни ошиб бориши, 2010 йилга бориб унинг мамлакат ЯИМдаги улуши 49,0%га етиши режалаштирилганлиги хизмат кўрсатиш соҳасининг кескин ривожланиши кўзда тутилганлигидан далолат беради. Бу эса ушбу соҳани ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан атрофлича ўрганишни тақозо этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, хизмат кўрсатиш соҳаси субъектларининг шаклланиши ва тараққий этишида ҳамда уларнинг юқори самарадорлик билан ишлашини таъминлашда айрим муаммоларга ҳам дуч келинмоқда. Ушбу муаммоларни бартараф қилиш, унинг нафақат амалий, балки бир қатор назарий масалаларини ҳам ҳал этиш лозимлиги мазкур соҳа самарадорлигини ошириш эвазига мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиёти барқарор ривожланишига қаратилган тадқиқот ишлари олиб борилишини тақозо қилмоқда. Буларнинг барчаси мазкур тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Тадқиқотнинг мақсади иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида хизмат кўрсатиш соҳасининг назарий ва амалий йўналишларини тадқиқ қилиш ва самарадорлигини ошириш истиқболлари юзасидан таклифлар ишлаб чиқишдан иборат. Бунинг учун **тадқиқотнинг қуйидаги вазифалари** белгилаб олинди:

- бугунги кун талабидан келиб чиқиб, хизмат кўрсатиш соҳасида самарадорликни оширишнинг объектив зарурлигини очиб бериш ва унинг иқтисодий мазмунини ўрганиб такомиллашган таърифини ишлаб чиқиш;

- мамлакатимиз иқтисодиётида хизмат кўрсатиш соҳаси келажакда асосий секторлардан бирига айланишини инобатга олиб, уларнинг бугунги кунда тутган ўрнини тадқиқ қилиш, келгусидаги ривожланиш истиқболини назарий ва амалий жиҳатдан асослаш;

- хизмат кўрсатиш соҳаси самарадорлигини оширишда ушбу категорияни тўғри баҳолаш, бунинг учун уни кўрсаткичларда ифодалаш лозимлигини асослаш ва уларни баҳолаш йўллариини ишлаб чиқиш ва амалиётда қўллаш учун тегишли тавсиялар бериш;

- ҳозирги кунда хизмат кўрсатиш соҳасининг фойдалилик нуктасини аниқлаш муҳимлигидан келиб чиқиб, бир қанча усуллардан фойдаланиш мумкинлигини кўрсатиб бериш ва унинг ўзгаришига таъсир қилувчи

³ Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Президент Ислам Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. - Халқ сўзи. 2010 йил 30 январь. - 3бет.

омилларни таҳлил қилиш орқали самарадорликни ошириш йўллари кўрсатиш;

-хизмат кўрсатиш соҳаси самарадорлигини оширишда стандартлаштириш, лицензиялаш ва сертификатлаштириш тизимларини такомиллаштириш лозимлигини илмий-амалий жиҳатдан асослаш ва уларнинг хусусий секторда, айниқса хизмат кўрсатиш соҳасида қўлланилишини такомиллаштириш бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш;

- иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хизмат кўрсатиш соҳасининг фойда ва рентабеллигини ошириш аҳамиятидан келиб чиқиб, уларни ошириш йўллари ишлаб чиқиш ва улар ўзгаришига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш орқали мазкур кўрсаткичларни яхшилашда ички имкониятларни ахтариб топиш йўллари кўрсатиб бериш.

Тадқиқот объекти: Республикамиз хизмат кўрсатиш соҳаси фаолият юритаётган субъектлар.

Тадқиқот предмети хизмат кўрсатиш соҳаси самарадорлигини ошириш йўллари ишлаб чиқиш билан боғлиқ бўлган иқтисодий муносабатлар мажмуидан иборат.

Тадқиқот усуллари: анализ ва синтез, индукция ва дедукция, сабаб ва оқибат, замон ва макон услублари, қиёслаш, мувозанат, иқтисодий таҳлил ва статистика усуллари.

БМИнинг иши кириш, 2 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

Ишнинг хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликнинг мазмуни, самарадорликни оширишнинг объектив зарурлиги ва муаммоларига бағишланган бўлиб, унда хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликнинг мазмуни, самарадорликни оширишнинг объектив зарурлиги ва муаммолари, хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни оширишнинг объектив зарурлиги, шунингдек хизмат кўрсатиш соҳасининг мамлакатимиз иқтисодиётида тутган ўрни қараб чиқилган.

Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни оширишнинг истиқболли йўналишлари деб номланган иккинчи бобида хизмат кўрсатувчи субъектлар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни баҳолашнинг концептуал йўналишлари, хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари самарадорлигини оширишда стандартлаштириш ва сертификатлаш тизимини такомиллаштириш масалалари ва хизмат кўрсатиш соҳаси билан шуғулланадиган корхоналарда самарадорликни оширишга таъсир этувчи омиллар ва уларни аниқлаш йўллари очиб берилган.

I-БОБ. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ КОРХОНАЛАРИДА САМАРАДОРЛИКНИНГ МАЗМУНИ, САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРИШНИНГ ОБЪЕКТИВ ЗАРУРЛИГИ ВА МУАММОЛАРИ

1.1. Хизмат кўрсатиш соҳасининг ижтимоий-иқтисодий мазмуни, турлари ва улар самарадорлигини оширишнинг назарий муаммолари

Бозор муносабатлари шароитида хизмат кўрсатиш тармоқлари ҳам иқтисодиётнинг муҳим бир соҳаси сифатида ривожланмоқда. Ушбу соҳанинг ўзига хос хусусиятлари унинг иқтисодий ва ижтимоий табиатидан келиб чиқади ва улар билан бевосита боғлиқ ҳолда ривожланади.

Шуни таъкидлаш жоизки, хизмат кўрсатиш тармоқлари ва хизмат турлари ўзимизга хос тарзда ривожланиб келган ва ривожланмоқда. Бу кўп ҳолларда хизматларнинг миллийлиги билан боғлиқдир, чунки шундай хизматлар борки, улар фақат ўзимизгагина хосдир, мисол учун, ҳашар орқали кўрсатиладиган хизматлар, ҳомийлик хизматининг айрим турлари, миллий тўй-ҳашамларда қилинадиган хизматлар ва ҳоказо. Аммо шуни эътироф этиш керакки, мамлакатимизда ушбу ўзимизга хос хизмат соҳаси кам тадқиқ қилинган ва мос равишда иқтисодий адабиётларда мазкур масалага бағишланган материаллар кам ёритилган.

Ҳамон хизматнинг таърифи бўйича олимларимиз бир тўхтамга келишган эмас. Шу туфайли, фикримизни хизматнинг таърифини келтиришдан бошлаймиз. Фикримизча, хизматга қуйидагича таъриф бериш мумкин.

Хизмат дейилганда инсоннинг, меҳнат жамоасининг, ҳудуднинг, давлат ва жамиятнинг маълум бир эҳтиёжини қондиришга қаратилган кишиларнинг наф келтирадиган онгли фаолияти тушунилади.

Хизмат бир вақтнинг ўзида ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий соҳадир. Унинг иқтисодий соҳалиги мазкур соҳада мамлакат ялпи ички маҳсулотининг бир қисми яратилиши билан изоҳланса, ижтимоий соҳалиги хизматларнинг аксарият қисми инсонлар ҳаётини яхшилаш ва яшашини қулайлаштиришга қаратилганлиги билан характерланади.

Хизматларнинг яна бир хусусияти, уларнинг товар сифатида сотилиши ва бозор муносабатлари шароитида келишилган нархда баҳоланишидир. Бу унинг табиати товарга ўхшашлигини белгилайди, аммо мазкур соҳанинг кўпқирралиги бошқа иқтисодий тармоқлардан ва уларда ишлаб чиқарилган товарлардан ҳам фарқ қилишини ўзида ифода этади.

Демак, хизмат соҳаси ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, булар қуйидагиларда намоён бўлади:

- хизматлар моддий неъмат тариқасида кўзга кўринмайди;
- хизмат кўрсатувчи субъектларнинг аксарияти жисмоний шахс сифатида намоён бўлади;
- хизмат кўрсатувчилар ягона шахс сифатида ҳар бири ўзига хосдир;
- хизматларни ишлаб чиқарувчилардан ажратиб олиш ва ажратиб сотиш имконияти йўқ;
- хизматлар олди-сотди жараёнида предмет сифатида намоён бўлмайди;
- хизмат сифати ўзгариб туради, яъни бир кишининг хизмати бир даврда турли сифатга эга бўлиши мумкин;
- хизматни заҳирага олиб қўйиб, сақлаш имконияти йўқ;
- хизматнинг ўзини эгасидан айри ҳолда, бир жойдан иккинчи жойга кўчириш имконияти йўқ;
- хизматни фақат кўрсатиладиган хизмат жараёнида истеъмол қилиш мумкин;
- хизмат натижасидан, айрим ҳолларда, кейинчалик ҳам фойдаланиш мумкин;
- хизматнинг ишлаб чиқарилиши ва истеъмол қилиниши бир пайтнинг ўзида содир бўлади;
- хизмат кўрсатувчи ва истеъмол қилувчи субъектлар хизмат жараёнида бевосита бирга бўлиши мумкин ва ҳоказо.

Хизматнинг ушбу хусусиятлари унинг **иқтисодий табиатини** ҳам белгилайди. Чунки, хизмат кўрсатиш кўзга кўринмасда, ушлаб бўлмасда, унинг мавжудлиги жараёнлардангина иборат бўлган товар сифатида намоён бўлади. Шу туфайли хизматга алоҳида товар сифатида қараш ёки унинг назарий масалаларини таҳлил қилишда ушбу хулосаларга таяниш тақозо этилади.

Хизмат соҳасининг яна бир характерли томони шундаки, мазкур соҳа ўз тараққиёти билан бир вақтда бошқа соҳаларни ривожлантиради ҳамда инсон камолоти учун тегишли шароит ва имкониятлар яратади.

Демак, хизмат соҳаси мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у нафақат инсонни, балки бутун бир тизимни такомиллаштириш ва ривожлантириш имкониятини ҳам яратади. Ҳозирги миллий ҳисоблар тизими амал қилиб турган мамлакатларда хизматлар бир қанча гуруҳларга бўлинади. Булар қуйидагилар:

- истеъмол соҳасида кўрсатиладиган хизматлар;
- ижтимоий соҳада кўрсатиладиган хизматлар;
- ишлаб чиқариш соҳасида кўрсатиладиган хизматлар;
- тақсимот соҳасида кўрсатиладиган хизматлар.

Ушбу хизмат кўрсатиш гуруҳларининг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларга қисқача тўхталиб ўтамиз. Истеъмол соҳасида кўрсатиладиган хизматларга ресторанлар, турли овқатланиш шаҳобчалари ва меҳмонхоналарда кўрсатиладиган хизматлар, транспорт хизматлари ҳамда инсон шахсий ҳолатини яхшилашга таъсир қиладиган уқалаш, сартарошлик, пардоз-андоз каби хизматлар киради.

Ижтимоий соҳада кўрсатиладиган хизматлар бевосита инсон камолоти, унинг шаклланиши ва ривожланиши билан боғлиқ хизматлардир. Булар жумласига таълимнинг барча турлари ҳамда тиббий хизматлар каби инсон камолоти билан боғлиқ хизмат турларини киритиш мумкин.

Хизматлар тизимида ишлаб чиқариш соҳасида кўрсатиладиган хизматлар етакчи хизмат турларидандир. Булар жумласига молия-кредит соҳасида кўрсатиладиган хизматлар, суғурта хизматлари, мураккаб техника ва технологик жараёнларда қўлланиладиган асбоблар-ускуналарни таъмирлаш, уй-жой коммунал хизматлари, шунингдек, консалтинг, ҳуқуқий (юридик) хизмат сингари турли маслаҳат бериш хизматларини киритиш мумкин.

Энг йирик хизматлардан бири тақсимот соҳасида кўрсатиладиган хизматлар бўлиб, уларга савдо, транспорт, воситачилик, брокерлик каби хизматларни киритиш мумкин. Мазкур хизматлар бир қанча хизматларни ўзида қамраб олиши, мужассамлаштириши билан биргаликда ижтимоий, ишлаб чиқариш ва истеъмол соҳалари ўртасида кўприк вазифасини ҳам ўтайди.

Хизматлар кўплаб соҳаларни қамраб олганлиги туфайли уни ижтимоий-иқтисодий ҳаётдан айри (алоҳида) тасаввур этиб бўлмайди. Бундан хизмат соҳасини иқтисодиётнинг алоҳида тармоғи сифатида кескин ривожланиш “ҳуқуқига” эга, дейиш мумкин.

Юқорида қайд этилган хизматларнинг жамият тараққиёти билан боғлиқ барча соҳа ва тармоқларни қамраб олиши қуйидагиларда намоён бўлади.

Биринчидан, хизмат кўрсатиш соҳаси, инсонни иқтисодий ва биологик субъект сифатида такомиллаштиради. Чунки, инсон ишлаб чиқариш жараёнида ўзининг бевосита жонли меҳнати билан иштирок этиб, у меҳнатининг сифати ва самарадорлиги унинг малакасига боғлиқдир. Инсоннинг малакаси эса таълим хизматларининг сифатига боғлиқ бўлиб, бу уни иқтисодий субъект сифатида қарашни тақозо этади. Инсоннинг биологик субъект сифатида қаралиши унинг иқтисодий субъект эканлиги билан бевосита боғлиқдир, чунки соғлом одамгина самарали меҳнат қилиши, жамиятга кўпроқ наф келтириши мумкин. Шу туфайли хизмат жараёнида инсонлар учун соғлом турмуш тарзини яратишга эътибор қаратилади.

Иккинчидан, турли хизматлар натижасида ишлаб чиқариш ва иқтисодиётнинг бошқа реал секторлари ривожланиши учун тегишли

шароитлар яратиб берилади, кўп ҳолларда у ишлаб чиқариш соҳасининг инфратузилмаси сифатида намоён бўлади, чунки шундай хизматлар борки, уларсиз ишлаб чиқаришни ривожлантириб бўлмайди. Шу туфайли хизмат бевосита ишлаб чиқариш соҳасида ҳам кенг қўлланилади, мисол учун дастгоҳларни таъмирлаш хизмати, уларга эҳтиёт қисмларни етказиб бериш хизмати, товар ва бошқа моддий бойликларни ташиш учун транспорт хизмати кабилар.

Учинчидан, хизмат кўрсатиш соҳаси аҳоли бандлигини ошириш билан бирга уларнинг моддий фаровонлигини юксалтириш имкониятини ҳам туғдиради. Хизмат кўрсатиш соҳасида янги иш ўринларини очиш анча арзонлиги туфайли унинг хусусий секторда тез ривожланиш имконини яратади. Иш ўринларининг очилиши, кишиларни иш билан банд қилиш уларнинг даромадлари таркибида тадбиркорликдан олинadиган даромадларни кўпайтириш, оилалар фаровонлигини ошириш имкониятини беради.

Тўртинчидан, хизмат кўрсатиш соҳаси мамлакат ялпи ички маҳсулотини яратишда, унинг истеъмол бозорини тўлдиришда катта ҳисса қўшади. Хизмат кўрсатишни ривожлантириш мамлакат хизмат бозорини хизматлар билан тўлдиради ва жамиятнинг хизматларга бўлган эҳтиёжини қондириш имкониятини яратади, мамлакат ялпи ички маҳсулоти кўпайишини таъминлайди. Шу туфайи мамлакат ялпи ички маҳсулотида хизмат кўрсатиш соҳасида яратилadиган ЯИМнинг улуши 2010 йилга бориб қарийб 50%дан оширилиши кўзда тутилганлиги бежиз эмас.

Бешинчидан, хизмат кўрсатиш соҳаси давлат бюджетини солиқ билан тўлдириб боришда иштирок этади. Ҳар бир хизмат кўрсатувчи субъект юридик шахс ёки якка тадбиркор сифатида давлат ёки маҳаллий бюджетга солиқ тўлайдилар, шу билан бирга уларнинг бир қисми ёлланган ходимлар сифатида ойлик маош билан таъминланган бўладилар, натижада улар даромад солиғи билан давлат бюджетининг шаклланишига ўз ҳиссаларини қўшадилар.

Дунёда хизматнинг минглаб турлари мавжуд бўлиб, уларни батафсил ўрганиш учун маълум даражада тартибга солиш ва таснифлаш тақозо этилади. Жумладан, Бирлашган миллатлар ташкилоти (БМТ) хизматларнинг 160 турини тан олади⁴ ва уларни 12 гуруҳга бўлади:

1. Ишчанлик хизматлари	46 турда
2. Алоқа хизматлари	25 турда
3. Инжиниринг ва қурилиш хизматлари	5 турда
4. Дистрибьюторлик хизматлари	5 турда
5. Умумтаълим хизматлари	5 турда
6. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш хизматлари	4 турда

⁴ Арупов А.А. Казахстан в системе мировых торговых рынков. Алматы: Университет «Туран», 2000. С. 63.

- | | |
|---|----------|
| 7. Молиявий хизматлар (шу жумладан, суғурта хизматлари) | 17 турда |
| 8. Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар | 4 турда |
| 9. Туризм ва сайёҳлик хизматлари | 4 турда |
| 10. Дам олиш, маданий ва спорт билан боғлиқ хизматлар | 5 турда |
| 11. Транспорт хизматлари | 33 турда |
| 12. Бошқа хизматлар (масалан, маиший) | 7 турда. |

Аммо БМТнинг ушбу таснифини барча халқаро ташкилотлар ўзларига қабул қилган эмаслар. Хизматларни таснифлаш борасида қатор халқаро ташкилотлар ўз қарашларига эга бўлиб, улардан бири Халқаро валюта фонди (ХВФ)нинг фикрича, барча хизматлар иккига бўлинади: савдо қилинадиган ва савдо қилинмайдиган хизматлар⁵. Бундай тасниф хизматларнинг халқаро савдода қўлланилиши нуқтаи назаридан келтирилган. Савдо қилинадиган хизматларга ушбу жараёни амалга ошириш мумкин бўлган хизмат турларини киритган. Савдо қилинмайдиган хизматлар эса фақат миллий давлатларнинг ўзларида амалга оширилади, яъни улар шу давлат ичида яратилади, сотилади ва истеъмол қилинади, бунга мисол сифатида коммунал хизматлар билан боғлиқ хизматларни киритиш мумкин.

ХВФнинг таъкидлашича, сотиладиган савдо хизматларига қуйидагилар киради: транспорт хизматлари; бориб келиш (хизмат сафари, туризм, саёҳат каби) хизматлари; алоқа хизматлари; қурилиш хизматлари; суғурта хизматлари; молиявий хизматлар; компьютер ва ахборот хизматлари; турли лицензия тўловлари; турли бизнес хизматлари; шахсий ва маданий хизматлар; ҳукумат хизматлари⁶.

Мазкур ташкилот таснифида хизмат турларининг ҳар бири яна бир қанча бошқа хизматларни ўз ичига олади, масалан, транспорт хизматлари иккита катта гуруҳга бўлинади: йўловчи ташиш ва юк ташиш транспорти хизматлари, улар ҳам ўз навбатида яна бир қанча гуруҳларга бўлинади.

Мамлакатимизда 2006 йилдан Европа иқтисодий ҳамжамиятининг “Фаолият турлари бўйича маҳсулотларнинг статистик таснифи” асосида халқаро талабларга тўла уйғунлашган “O`zDT 010:2006. Ўзбекистон Республикаси фаолият турлари бўйича хизматлар таснифлагичи” жорий этилди. Ушбу таснифлагичга кўра республикаимиз иқтисодиётида қўлланиладиган мавжуд хизмат кўрсатиш турлари ва уларнинг сонини 1.1–жадвал кўринишига келтирдик.

⁵ Киреев А.П. Международная экономика. Ч. 1. М.: Международные отношения, 2000. С. 265.

⁶ Киреев А.П. Международная экономика. Ч. 1. М.: Международные отношения, 2000. С. 265.

1.1.1- жадвал

Ўзбекистон Республикасидаги хизмат кўрсатиш турлари ва уларнинг
сони*

№	Хизматлар номлари	Хизматлар сони
1	2	3
1	Қишлоқ хўжалиги, овчилик хизматлари: ➤ богдорчилик соҳасидаги хизматлар (48); ➤ чорвачилик соҳасидаги хизматлар (22); ➤ овчилик, ёввойи қушларни кўпайтириш соҳасидаги хизматлар (1).	71
2	Ўрмон хўжалиги, ёғоч тайёрлаш соҳасидаги хизматлар: ➤ ишлов берилмаган ўрмон хўжалиги маҳсулотлари хизмати (9); ➤ ўрмончилик ва ёғоч тайёрлаш соҳасидаги хизматлар (6).	15
3	Балиқчилик соҳасидаги хизматлар	13
4	Тоғ-кон саноати соҳасидаги хизматлар: ➤ тошкўмир қазии соҳасидаги хизматлар (1); ➤ нефть ва газ қазиб олиш соҳасидаги хизматлар (3); ➤ кокс, нефт ва ядро ёқилғисига доир хизматлар (3).	7
5	Озиқ - овқат маҳсулотларига ишлов бериш хизматлари: ➤ гўшт маҳсулотларига ишлов бериш хизматлари (4); ➤ мева ва сабзавотларни қайта ишлаш хизматлари (3); ➤ ҳайвон ва ўсимлик ёғларига ишлов бериш хизматлари (3); ➤ сут маҳсулотларига ишлов бериш хизматлари (2); ➤ ун ва крахмал маҳсулотларига ишлов бериш хизматлари (2); ➤ ҳайвонлар учун озуқа тайёрлаш хизматлари (2); ➤ турли озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлаш хизматлари (17).	33
6	Тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича хизматлар	1
7	Тўқимачилик маҳсулотларига ишлов бериш хизматлари: ➤ тўқимачилик толалари, ип, жун ва брезент тайёрлаш хизматлари (49); ➤ турли тўқимачилик маҳсулотлари тайёрлаш хизматлари (8).	57
8	Кийим, мўйна маҳсулотларини тайёрлаш хизматлари: ➤ кийим тайёрлаш хизматлари (5); ➤ мўйнадан тайёрланган маҳсулотлар хизматлари (1); ➤ тери маҳсулотлари, пойабзал тайёрлаш хизматлари (2).	8
9	Ёғочдан маҳсулотлар ясаш хизматлари: ➤ ёғочдан буюмлар ясаш хизматлари (7); ➤ целлюлоза, қоғоз буюмларини ясаш хизматлари (7); ➤ напш этиладиган, ахборот коммуникация маҳсулотлари хизматлари (25).	39
10	Кимёвий маҳсулотлар (саноат газлари, бўёқлар, азотли ўғитлар, ювиш воситалари кабилар)га доир хизматлар	20
11	Резина ва пластмасса маҳсулотларига доир хизматлар: ➤ резина буюмлар, шиналарга доир хизматлар (4); ➤ пластмассали буюмларга доир хизматлар (7).	11

* Жадвал О'з ДТ 010:2006. "Ўзбекистон Республикаси фаолият турлари бўйича хизматлар таснифлагичи". маълумотлари асосида тузилди ва муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинди.

12	Нометал минерал буюмларга доир хизматлар: ➤ <i>ишиа буюмларга доир хизматлар (8);</i> ➤ <i>сопол ва лойдан ясалган буюмларга доир хизматлар (11);</i> ➤ <i>цемент, оҳак, гипсдан ясаладиган буюмларга доир хизматлар (13).</i>	32
----	--	----

1.1.1-жадвалнинг давоми

1	2	3
13	Металл буюмларга доир хизматлар: ➤ <i>темир, чўян, пўлат ва ферроқотишмаларга доир хизматлар (7);</i> ➤ <i>қимматли металл буюмларга доир хизматлар (5);</i> ➤ <i>қуймачилик бўйича хизматлар (6).</i>	18
14	Металл маҳсулотлари бўйича хизматлар: ➤ <i>металл конструкциялар бўйича хизматлар (3);</i> ➤ <i>металл қурилиш буюмларига доир хизматлар (15);</i> ➤ <i>металларга қоплама қоплаш бўйича хизматлар (11);</i> ➤ <i>машинасозлик технологиясига доир хизматлар (2);</i> ➤ <i>пичоқ, қулф, енгил металдан ясалган буюмларга доир хизматлар (12).</i>	43
15	Машина ва жиҳозларга доир хизматлар ➤ <i>насослар ва компрессорларга доир хизматлар (6);</i> ➤ <i>клапан, подишник кабиларга доир хизматлар (5);</i> ➤ <i>печлар, совутиш жиҳозларига доир хизматлар (12);</i> ➤ <i>қишлоқ ва ўрмон хўжалигидаги машина ва тракторларга доир хизматлар (5);</i> ➤ <i>дастгоҳлар билан кўрсатиладиган хизматлар (7);</i> ➤ <i>маҳсус мақсадларга мўлжалланган жиҳозларга доир хизматлар (6);</i> ➤ <i>озик-овқат, ичимлик ва тамаки маҳсулотларига ишлов беришга мўлжалланган жиҳозларга доир хизматлар (3);</i> ➤ <i>тўқимачилик, қозоғ, қурол – яроғ маҳсулотларига ишлов беришга мўлжалланган жиҳозларга доир хизматлар (12);</i> ➤ <i>маиший электр асбобларига доир хизматлар (3).</i>	59
16	Электр ва оптик жиҳозларга доир хизматлар	18
17	Радио, телевидение, алоқа жиҳозларига доир хизматлар	8
18	Тиббий, оптик қурилмалар, қўл соатларига доир хизматлар	14
19	Транспорт жиҳозларига доир хизматлар: ➤ <i>автомобиллар, прицеп ва кузовларга доир хизматлар (6);</i> ➤ <i>кемалар ва кайик жиҳозларига доир хизматлар (5);</i> ➤ <i>темир йўл локомотивлари, трамвай вагонларининг жиҳозларига доир хизматлар (2);</i> ➤ <i>хаво, космик учиш аппаратлари жиҳозларига доир хизматлар (5);</i> ➤ <i>мотоцикллар ва велосипедлар жиҳозларига доир хизматлар (6).</i>	24
20	Саноат маҳсулотлари (стуллар, ошхона мебеллари, тўшаклар, заргарлик буюмлари, мусика, спорт товарлари, ўйинчоқлар, супурги ва чўткалар)га доир хизматлар	30
21	Электр энергияси, газ, буғ, сув ишлаб чиқариш ва тақсимлашга доир хизматлар	15
22	Қурилиш хизматлари	
23	Автомобиллар, мотоцикллар, шахсий фойдаланиладиган буюмлар ва маиший товарларни таъмирлаш хизматлари	77
24	Улгуржи ҳамда воситачилик савдоси бўйича хизматлар	274
25	Чакана савдо бўйича хизматлар	91
26	Меҳмонхона ва ресторанлар хизматлари	17

27	Транспорт, омборхона хўжалиги ва алоқа хизматлари: ➤ қуруқликда транспорт хизматлари ва қувурлар орқали маҳсулот етказиб бериш (37); ➤ сув транспорти хизматлари (22); ➤ ҳаво транспорти хизматлари (8); ➤ туристик агентликлар ва туроператорлар хизматлари (60); ➤ почта ва электр алоқа хизматлари (49).	176
----	---	-----

1.1.1-жадвалнинг давоми

1	2	3
28	Молиявий воситачилик бўйича хизматлар: ➤ пул воситачилиги бўйича хизматлар (30); ➤ сугурталаш ва нафақа таъминоти бўйича хизматлар (20); ➤ молиявий воситачиликка нисбатан ёрдамчи хизматлар (19).	69
29	Кўчмас мулк, ижара ва тижорат фаолияти билан боғлиқ хизматлар	17
30	Машина ва ускуналарни операторсиз ижарага бериш ҳамда шахсий фойдаланиш буюмлари ва маиший товарларни ижарага бериш бўйича хизматлар	19
31	Компьютер хизматлари	19
32	Тадқиқотлар ва ишланмалар бўйича хизматлар	11
33	Истеъмолчиларга тақдим этиладиган баъзи хизматлар: ➤ юридик хизматлар (18); ➤ бухгалтерлик хизматлари (8); ➤ маркетинг хизматлари (5); ➤ тижорат фаолияти бўйича хизматлар (60); ➤ техник синовлар, реклама хизматлари (39); ➤ тозалаш бўйича хизматлар (17); ➤ фотография, телефон борасидаги хизматлари (45).	192
34	Давлат бошқаруви соҳасидаги хизматлар: ➤ соғлиқни сақлаш, таълим, маданият муассасалари бошқарувидаги хизматлар (26); ➤ тижорат фаолияти самарадорлигини оширишга доир хизматлар (15); ➤ суддофаа, адлия ва суд соҳасидаги хизматлар (15.)	56
35	Таълим соҳасидаги хизматлар	18
36	Соғлиқни сақлаш, аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳасидаги хизматлар	79
37	Коммунал хизматлар	9
38	Касаба уюшмалари, сиёсий ташкилотлар хизматлари	9
39	Дам олиш, маданий ва спорт тadbирларини ташкил этиш бўйича хизматлар: ➤ кинофильм, радиоэшиттириш хизматлари (41); ➤ кутубхона, архив, музей ва бошқа маданий муассасалар хизматлари (24); ➤ спорт, қимор ўйинларига доир хизматлар (19).	84
40	Кир ювиш, сарторашхона, гўзаллик салонлари, дафн маросимлари, жисмоний комфортни таъминлашга доир хизматлар	44
41	Уй хўжаликлари хизматлари	3
42	Экстерриториал ташкилотлар ва идоралар хизматлари	1
ЖАМИ		1801

1.2. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни оширишнинг объектив зарурлиги

Мамлакатимиз иқтисодиётининг асосий қисмини хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари эгалламоқда. Уларнинг улуши ялпи ички маҳсулотда, иқтисодиётда банд бўлганлар таркибида, давлат бюджетига тўланадиган солиқларда, мамлакатимиз бозорини истеъмол товарлари билан тўлдиришда, янги иш ўринларини яратиш каби энг муҳим масалаларда муттасил ошиб бормоқда ва келажакда ҳам бу жараённинг давом этиши табиий. Бунга ўзидан эришиб бўлмайди. Ҳозирги пайтда хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарининг сонини кўпайтириш билан биргаликда фаолият кўрсатаётганларининг самарадорлигини ошириш ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Чунки, бу жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг олдини олиш ва унинг таъсирини юмшатиш бўйича чоралар изланаётган бугунги кунда ўта муҳимдир.

Бугунги кунда хизмат кўрсатиш соҳаси самарадорлигини ошириш объектив заруриятга айланди, чунки мазкур соҳа корхоналари самарадорлигининг оширилиши нафақат иқтисодий, балки муҳим ижтимоий аҳамиятга ҳам эгадир. Бу қуйидагиларда намоён бўлади.

1. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарининг очилиши, кўп ҳолларда, нодавлат маблағлари эвазига янги иш ўринларини яратади. Чунончи, мамлакатимизнинг нодавлат секторида банд бўлганлар улуши муттасил ўсиб бормоқда. Жумладан, уларнинг улуш 2004 йилда жами банд бўлганлар таркибида 76,9%ни, 2005 йилда 77,1%ни, 2006 йилда 77,6%ни ташкил қилган бўлса, 2008 йилга келиб ушбу кўрсаткич 78,4%га етди⁷.

Мамлакатимизда асосий капиталнинг ўсишига 2008 йилда 8483,7 млрд. сўмлик инвестиция қўйилди. Бу 2007 йилга нисбатан 128,3% ўсиш суръатини ташкил қилади. 2008 йилда барча инвестицияларнинг 6328,8 млрд. сўми ёки 74,5%и нодавлат секторига тўғри келди, инвестицияларнинг 9,0%игина республика бюджетидан қўйилган бўлиб, корхоналар ва аҳоли ҳисобидан 53,9%, хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобидан 25,8%, банк кредитлари ҳисобидан 5,0%, бюджетдан ташқари фондлар ҳисобидан 6,3% маблағ инвестицияга қўйилган⁸. Бино иншоотлар қурилишига доир қурилиш-монтаж

⁷ Статистическое обозрение Республики Узбекистан за 2008 г. Т.: Госкомстат Узбекистана. 2009. - 8 с.

⁸ Статистическое обозрение Республики Узбекистан за 2008 г. Т.: Госкомстат Узбекистана. 2009. - 26 с.

ишларида нодавлат қурилиш ташкилотларининг ҳиссаси 2007 йилда 90,4 фоизни ташкил қилган бўлса, ушбу кўрсаткич 2008 йилда 90,6 фоизни ташкил қилди⁹. Кўриниб турибдики, қуриладиган объектларда янги иш ўринлари, асосан, нодавлат сектори ҳисобига амалга оширилмоқда. Чунки, 2008 йилда барча қурилиш-мантаж ишларининг 66,1%и янги қурилган, реконструкция қилинган, кенгайтирилган ва техник жиҳатдан қайта қуроллантирилган ишларга сарф қилинган¹⁰. Буларнинг барчаси янги иш ўринлари демакдир.

2. Аҳолининг хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлган қисми шу жойдан маош олиб ўзи ва оиласи фаровонлигини таъминлайди. Таъкидланганидек, 2008 йилда кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасида жами 8024,1 минг киши, жумладан, хусусий секторда 5859,8 минг киши, кичик корхона ва микрофирмаларда 2164,3 минг киши банд бўлган¹¹. Демак, шунча киши нодавлат секторида ўз оиласи фаровонлигини ошириш имконига эга бўлмоқда. Булардан кўриниб турибдики, нодавлат секторининг фаолият кўрсатиб туриши нафақат мулкдор учун, балки аҳолининг асосий қатлами учун ҳам муҳим экан. Агар ушбу соҳада самарадорлик қанча юқори бўлса, шу ерда банд бўлганлар оладиган рағбат ҳам шунча юқори бўлади. Шунга мос равишда давлат бюджетига тушадиган маблағ ҳам муттасил ошиб боради.

3. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари мамлакатимиз бозорини истеъмол товарлари ва хизматлари билан тўлдиради. Буларнинг таркибий тузилишида ҳам жиддий ўзгаришлар содир бўлди (1.2.1-жадвал).

1.2.1-жадвал

Сотилган истеъмол товарларининг мулк шакли бўйича 2005-2008 йилги тақсимоти¹²

Кўрсаткичлар	2006 йил		2009 йил		Фарқи (+, -, %)	
	Сумма, млрд. сўм	Улуши, %	Сумма, млрд. сўм	Улуши, %	Сумма, млрд. сўм	Ўзгариш суръати, %
Чакана товар айланмаси, жами	5736,8	100,0	12558,9	100,0	+6822,1	-
Шу жумладан,						
Давлат мулки	25,3	0,4	25,9	0,2	+0,6	-0,2
Нодавлат мулки	5711,5	99,6	12533,0	99,8	+6821,5	+0,2

⁹ Статистическое обозрение Республики Узбекистан за 2008 г. Т.: Госкомстат Узбекистана. 2009. - 29 с.

¹⁰ Статистическое обозрение Республики Узбекистан за 2008 г. Т.: Госкомстат Узбекистана. 2009. - 29 с.

¹¹ Статистическое обозрение Республики Узбекистан за 2008 г. Т.: Госкомстат Узбекистана. 2009. - 9 с.

¹² Статистическое обозрение Республики Узбекистан за 2005 год. Т.: Госкомстат Узбекистана. 2006. - 37 с., Статистическое обозрение Республики Узбекистан за 2008 год. Т.: Госкомстат Узбекистана. 2009. - 32 с. маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинди.

Шулардан хусусий мулки	фуқароларнинг	4810,5	83,9	9527,3	75,9	+4716,8	-8,0
---------------------------	---------------	--------	------	--------	------	---------	------

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2006 йилда 5736,8 млрд. сўмлик (2004 йилга нисбатан 8,2 фоиз кўп) истеъмол товарлари сотилган бўлиб¹³, барча чакана товар айланмасининг асосий қисми, яъни 99,6 фоизи нодавлат секторига тўғри келган эди. Ушбу кўрсаткич сўнгги йилларда ҳам ўсиб борди ва 2009 йилда 99,8%ни ташкил қилди¹⁴. Бунда, айниқса, нодавлат секторининг ичида фуқароларнинг хусусий мулки ҳиссаси юқорилиги (2009 йилда 75,9%) мамлакатимизда иқтисодий эркинлаштириш сари олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар натижасидир. Кўриниб турибдики, нодавлат секторида савдо хизматини йўлга қўйиш ва чакана товар айланмасини шакллантириш асосий ўринни эгаллайди. Мамлакат иқтисодиётида ушбу ҳолат келажакда ҳам сақланиб қолиши муқаррар. Булардан шундай хулоса қилиш мумкинки, чакана товар айланмаси билан шуғулланадиган хусусий савдо корхоналарининг самарадорлигини ошириш нафақат бугуннинг, балки бу доимий эътиборда бўладиган муҳим ижтимоий - иқтисодий аҳамиятга эга масаладир.

Савдо хизмати соҳасини ривожлантиришнинг яна бир муҳим жиҳати, у аҳолини иш билан таъминлаш билан биргаликда, мамлакатимиз бозорини истеъмол товарлари билан ҳудудлар бўйича мутаносиб равишда тўлдириб боради. Шунингдек, бу соҳада иш ўринларини яратиш унчалик катта инвестиция ва мураккаб технологияни талаб қилмайди. Шу туфайли кўпчилик тадбиркорлар ўз фаолиятини шу оддий савдо ишидан бошлаб, аста-секин бойиб, ўз маблағларини ишлаб чиқаришга инвестиция қўйишга муваффақ бўлганлар. Бунинг исботи ўтган 2005-2008 йилларда яққол намоён бўлди, чунки ушбу йилларда мамлакатимизда барча инвестицияларнинг ишлаб чиқаришга сарф қилинган қисми кўпайиб борди. Жумладан, 2005 йилда барча инвестициялар миқдори 3012,9 млрд. сўмни ташкил қилиб, унинг 65,3 фоизи ёки 1968,3 млрд. сўми ишлаб чиқаришга сафарбар қилинди¹⁵, 2006 йилда ушбу кўрсаткичлар мос равишда 3838,3 млрд. сўм, 68,8% ёки 2619,8 млрд. сўм бўлди¹⁶. 2008 йилда эса барча инвестициялар миқдори 8483,7 млрд. сўмни ташкил этиб, уларнинг 75,4% ёки 6397,5 млрд. сўми ишлаб чиқаришга

¹³ Статистическое обозрение Республики Узбекистан за 2005 год. Т.: Госкомстат Узбекистана. 2006. - 37 с.

¹⁴ Статистическое обозрение Республики Узбекистан за 2008 год. Т.: Госкомстат Узбекистана. 2009. - 32 с.

¹⁵ Статистическое обозрение Республики Узбекистан за 2005 год. Т.: Госкомстат Узбекистана. 2006. - 30 - 31 с.

¹⁶ Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги статистик ахборотномаси. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Т.: 2007. - 32 б.

сарфланган бўлса, ноишлаб чиқариш соҳасига 24,6% ёки 2086,2 млрд. сўми сарфланди¹⁷.

Кўриниб турибдики, жами инвестицияларнинг асосий қисми ишлаб чиқаришга сарф қилинмоқда. Бу ҳолат мамлакат иқтисодий тараққиёти учун муҳим омиллардандир. Бироқ, шуни англаш лозимки, ишлаб чиқариш соҳасида муҳим бўлган хизмат тармоқлари мавжуд бўлиб, буларга транспорт ва алоқа, савдо ва умумий овқатланиш каби бир қанча хизматлар киради. Мазкур хизмат турларида нодавлат секторнинг, айниқса, хусусий секторнинг ҳиссаси ошиб бормоқда. Хусусий сектор ҳиссасининг ошиб бориши хизмат кўрсатиш тармоқларининг ривожланиши учун ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий асослардан биридир. Бундан хулоса қилиш мумкинки, мамлакатимиз бозорини истеъмол товарлари билан тўлдириш учун хусусий корхоналар, айниқса, хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган субъектлар самарадорлигини ошириш лозим экан.

4. Хизматларнинг ривожланиши мамлакатимиз экспорт салоҳиятини оширади ва валюта тушумини кўпайтиради. Ҳозирги кунда корхоналар, мулк шаклидан қатъий назар, ишлаб чиқарадиган маҳсулот ва хизматлари экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босадиган бўлмоғи лозимдир. Мамлакатимиз ташқи савдо обороти 2004 йилда 8669,0 млрд. АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, 2005 йилда 9500,1 млрд. АҚШ долларига етди ёки 109,6 фоизга ўсди¹⁸. 2006 йилда унинг миқдори 10785,7 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, бу 2005 йилга нисбатан 113,5%га кўпдир¹⁹. 2008 йилда эса ташқи савдо обороти 19077,0 млн. АҚШ долларини ташкил қилиб, 2007 йилга нисбатан 121,4%га ўсди²⁰. Албатта ушбу кўрсаткичда нодавлат секторининг ҳиссаси катта, буни экспорт ва импорт ҳажмининг таркибий тузилишини таҳлил қилиб ҳам аниқлаш мумкин. Масалан, мамлакат экспортида пахта толасининг улуши 2005 йилда 19,1%ни, 2006 йилда 17,2%ни, 2008 йилда 9,2%ни ташкил қилган бўлса, хизматларнинг улуши 2005 йилда 12,2%ни, 2006 йилда 12,1%ни, 2007 йилда 10,7%ни, 2008 йилда эса 10,4%ни ташкил этди²¹. Ушбу маҳсулотлар ва хизматлар, асосан хусусий секторда ишлаб чиқарилишини инобатга оладиган бўлсак, нодавлат секторининг улуши мамлакат ташқи савдо ҳажмида ҳам сезиларли салмоққа эга. Бундай ҳолат мамлакатимиз экспорт салоҳиятининг нодавлат секторини, унинг таркибида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ҳисобига амалга ошаётганлигидан далолат беради. Демак, мазкур соҳа билан шуғулланадиган хусусий

¹⁷ Статистическое обозрение Республики Узбекистан за 2008 год. Т.: Госкомстат Узбекистана. 2009. – 26-27 с.

¹⁸ Статистическое обозрение Республики Узбекистан за 2005 год. Т.: Госкомстат Узбекистана. 2006. - 13 с.

¹⁹ Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги статистик ахборотномаси. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Т.: 2007. - 3 б.

²⁰ Статистическое обозрение Республики Узбекистан за 2008 год. Т.: Госкомстат Узбекистана. 2009. - 12 с.

²¹ Статистическое обозрение Республики Узбекистан за 2008 год. Т.: Госкомстат Узбекистана. 2009. - 13 с.

корхоналар самарадорлигини ошириш лозим экан. Зеро мамлакатимиз ўтиш даврини бошидан кечираётган паллада экспортни ривожлантириш ва валюта тушумини таъминлаш жуда муҳим масаладир. Агар улар хизмат кўрсатиш соҳаси ҳисобига амалга ошириладиган бўлса, мамлакатимизнинг кўплаб хом ашё ва ресурсларини тежаган ҳолда валюта тушуми таъминланади.

Бироқ мамлакат экспортида хизматлар улуши камайиш тенденциясига эга (1.2.2-жадвал).

1.2.2-жадвал

Мамлакат экспортида хизматларнинг 2005-2008 йиллар давомидаги улуши ўзгариши (%да)²²

Т/р	Кўрсаткичлар	2005 йил	2006 йил	2007 йил	2008 йил
1.	Экспорт	100,0	100,0	100,0	100,0
2.	Пахта толаси	19,1	17,2	12,5	9,2
3.	Озиқ-овқат маҳсулотлари	3,8	7,9	8,5	4,4
4.	Кимё маҳсулотлари ва улардан ясалган буюмлар	5,3	5,6	6,8	5,6
5.	Энергия манбалари ва нефт маҳсулотлари	11,5	13,1	20,2	25,2
6.	Қора ва рангли металлар	9,2	12,9	11,5	7,0
7.	Машина ва ускуналар	8,4	10,1	10,4	7,5
8.	Хизматлар	12,2	12,1	10,7	10,4
9.	Бошқалар	30,5	21,1	19,4	30,7

Кўриниб турибдики, хизматлар улуши мамлакат экспортида йилдан-йилга камайиш тенденциясига эга бўлмоқда. Хусусан, 2005 йилда 12,2%ни ташкил қилган бўлса, 2008 йилга келиб 10,4%гача камайган. Агар хизматлар ишлаб чиқаришнинг шу даврларда кескин ўсганлигини инобатга оладиган бўлсак, уларнинг экспортдаги улуши камайиши хизматлар истеъмоли мамлакатимизда кўпаяётганлигидан далолат беради.

5. Хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланиши турли солиқли ва солиқсиз тўловлар орқали давлат бюджетининг даромад қисмини кўпайтириш

²² Манба: Тегишли йиллар бўйича Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси.

имконини яратади. 2009 йил 1 январь ҳолатига мамлакатимизда 444,9 мингта фаолиятдаги юридик шахс рўйхатга олинган. Уларнинг асосий қисми хусусий мулк асосида ташкил этилган. 2008 йилда фаолият юритган нодавлат корхоналари 93,0%ни ташкил қилган бўлса, уларнинг ичида хусусий корхоналар улуши 20,8%га тенг бўлди. 2007 йилда ушбу кўрсаткичлар мос равишда, 93,0% ва 21,0% эди²³.

Ўтган йилларда хусусий корхоналарнинг камайиши фермер хўжаликларининг кўпайиши билан боғлиқ бўлди. Чунончи, 2006 йил 1 январь ҳолатига фермер хўжаликларининг улуши 49,4%ни ташкил қилган бўлса, 2007 йилнинг 1 январь ҳолатига ушбу кўрсаткич 55,9%ни ташкил қилди²⁴. Хўжалик юритувчи субъектларнинг кўпайиши аҳолига кўрсатиладиган хизматлар билан бирга шу субъектларга кўрсатиладиган хизматларнинг ҳам ошишини тақозо этади. Масалан, фермер ва деҳқон хўжаликларининг ривожланиши қишлоқда агросервисни ривожлантиришни талаб қилади. Албатта улар ўзларининг ҳисоб сиёсатига кўра турли шаклдаги солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлайдилар. Уларнинг сони қанча кўп бўлса, мос равишда, давлат бюджетига шунча кўп солиқ тушади. Шу туфайли хизмат кўрсатиш соҳасига оид корхоналарнинг кўпайишидан давлатимиз ҳам манфаатдордир.

Энди масаланинг бошқа жиҳатини қарайлик, мисол учун, битта шундай субъектнинг рақобатда синиши қандай ноқулайликларга олиб келади? Биринчи галда, ушбу субъект эгаси мулксиз қолади, мазкур корхонада ишлайдиганлар ўз иш жойларидан маҳрум бўладилар, ишсизлик кўпаяди. Иккинчидан, давлат бюджетига тушадиган солиқ миқдори камаяди, яъни бир томондан шу корхона тўлайдиган солиқ қисқарса, иккинчи томондан унда ишлайдиган ходимлар иш ҳақидан тўланадиган солиқ ҳам қисқаради. Иш ҳақидан ижтимоий суғуртага ажратиладиган ажратмалар ҳам камаяди. Мактаб, пенсия фондларига тўланадиган тушумлар ҳам қисқариб кетади. Хуллас, корхона янгидан очилишидан одамлар, жамият ва давлат қанча манфаатдор бўлса, уларнинг биттаси ёпилишидан шунча зарар кўрилади. Шу туфайли мамлакатимизда эркин ва ҳалол рақобат муҳитининг яратилишига, уларнинг нормал фаолият кўрсатишига эришиш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган хўжалик юритувчи субъектларнинг ёпилмаслиги учун тегишли чоралар қўллаш, шунингдек, фаолият кўрсатаётганлари ҳам шунчаки фаолият кўрсатмасдан самарали ишлашини таъминлаш – бу хизмат кўрсатиш соҳасида самарадорликни оширишнинг объектив зарурат эканлигидан далолат беради.

²³ Статистическое обозрение Республики Узбекистан за 2008 год. Т.: Госкомстат Узбекистана. 2009. – 6-7 с.

²⁴ Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги статистик ахборотномаси. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси. Т.: 2007. – 7 б.

1.3. Хизмат кўрсатиш соҳасининг мамлакатимиз иқтисодиётида тутган ўрни

Бозор муносабатлари шароитида хизмат кўрсатиш соҳаси билан боғлиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг мамлакатимиз иқтисодиётида тутган ўрни тобора ошиб бормоқда. Ушбу соҳа мамлакатимиз учун ниҳоятда муҳим бўлган бандлик муаммоси ва аҳоли даромадларини ошириш масалаларини ҳал этишда ҳам етакчи ўрин эгалламоқда. Хизмат кўрсатиш соҳаси бевосита кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда намоён бўлади. Ушбу соҳанинг 2008 йилда мамлакат ЯИМидаги улуши 48,2%ни ташкил этиб, унинг 9,2%и кичик корхоналар, 20,3%и микрофирмалар, 18,7%и хусусий тадбиркорлар улуши эканлиги, иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг 72,2%и ёки 8024,1 мингдан ортиқ киши мазкур соҳада фаолият юритгани, айнан ушбу тармоқдан 1421,5 млн. АҚШ доллариға тенг маҳсулот (бу мамлакат экспортининг 12,3%ини ташкил этади)²⁵ экспорт қилингани фикримиз тасдиғидир. Мазкур тармоқ таркибида хизмат кўрсатиш соҳаси ҳам муттасил ўсиб бормоқда ва 2010 йилда ушбу соҳанинг мамлакат ЯИМидаги улуши 49,0%ни ташкил этиши кутилмоқда²⁶.

Бугунги кунда давлатимиз томонидан тадбиркорликни қўллаб қувватлаш бўйича унинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий асослари яратилмоқда ва такомиллаштириб борилмоқда. Тадбиркорликка оид қонунларнинг ривожланиш тарихига назар ташлайдиган бўлсак, қуйидагиларни кузатиш мумкин. Турли хил мулкчилик тенглигининг таъминланганлиги, унинг Конституциямизда ўз ифодасини топиши, мустақилликнинг дастлабки кунларидан Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик тўғрисида”ги қонуни қабул қилиниши (1991 йил 15 февраль), унинг 1995 йил 21 декабрда такомиллаштирилган “Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида”ги, сўнгра 2000 йил 20 майда “Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунларининг ишлаб чиқилиши тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини яратиш учун муҳим тадбирлардан бири бўлди.

²⁵ Статистическое обозрение Республики Узбекистан за 2008 год. Т.: Госкомстат Узбекистана. 2009. - 9 с.

²⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида 2006–2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жаддалаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 2006 йил 17 апрелда қабул қилинган Қарори.

Ушбу қонунлар жамият тараққиётига мослаштирилиб, такомиллаштириб борилди. Натижада 2000 йил 25 майда “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида” янги қонун қабул қилинди. У якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти, микрофирмалар, кичик ва хусусий корхоналарни ташкил этиш ҳамда уларни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асоси сифатида тадбиркорлар учун кенг йўл очиб берди.

Кейинчалик хизмат кўрсатишни ривожлантиришга қаратилган алоҳида қарорлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ҳам қабул қилина бошланди. Жумладан, мамлакатимиз Президентининг 2006 йил 17 апрелда “Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Мазкур қарор ижроси бўйича бир йиллик натижа таҳлил қилиниб, унга айрим аниқликлар киритилди ва 2007 йил 21 майда Президентнинг “Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди.

2005-2009 йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг, айниқса хизмат соҳасининг меъёрий-ҳуқуқий базаси учун туб бурилишлар бўлди. Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил якунларига бағишланган мажлисидаги маърузасида таъкидлаб ўтганидек, бугун хусусий секторни ривожлантиришнинг мукамал ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилган, унинг ривожига ғов бўлаётган тўсиқларга барҳам берилмоқда. Ўтган йиллар мобайнида айнан шу соҳани ривожлантириш, уларни эркинлаштириш, ҳуқуқий кафолатларини таъминлашга қаратилган мамлакат Президентининг қатор фармон ва қарорлари эълон қилинди.

Жумладан, 2008-2009 йилларда қабул қилинган қарор ва фармонлар жаҳон-иқтисодий инқирози таъсирини бартараф этиш чоралари ва соҳани ривожлантиришга қаратилди. Чунончи, Президентнинг 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ-4058-сонли “Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги Фармони, 2009 йил 10 январдаги ПҚ-1041-сонли “Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2009 йил 22 январдаги ПҚ-1045-сонли “Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларини ободонлаштиришни яхшилаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ва 2009 йил 27 январдаги ПҚ-1048-сонли “2009 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисм ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида”ги қарорлари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 31 декабрдаги 288-сонли “Иқтисодиётнинг реал сектори соҳасида корхоналарни ва инвестицион

фаолликни кредит йўли билан қўллаб-қувватлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2008 йил 31 декабрдаги 289-сонли “Экспорт қилувчи корхоналар қарзини таркибий ўзгартиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2009 йил 10 июндаги 158-сонли “Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда рухсатномалар олиш тартиботларини такомиллаштириш ва соддалаштириш тўғрисида”ги қарорлари республикамизда молиявий-иқтисодий инқирознинг олдини олиш ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга қаратилди.

2009 йилга махсус ном берилиши билан Президентнинг 2009 йил 26 январда ПҚ-1046-сонли “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили Давлат дастури тўғрисида”ги Қарори қабул қилиниб, унда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилган бўлса, 2009 йил 26 январдаги ПҚ-1047-сонли “Озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори бевосита ҳозирги мураккаб шароитда аҳолининг яшаш даражасини яхшилашга, 2009 йил 28 январдаги “Маҳаллий ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1050-сонли Қарори эса бевосита савдо хизматларига доир соҳаларни ривожлантиришга қаратилди.

2006-2009 йилларда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари сифатида хусусий мулк секторини кенгайтириш, бизнес учун кафолатларни мустаҳкамлаш ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш масалалари олинди.

Мазкур соҳага эътиборнинг юқорилиги, уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш соҳанинг тез суръатлар билан ривожланиш имконини берди (1.5-жадвал). Ушбу жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, унинг мамлакат ЯИМдаги улуши 2001 йилда 38,2%ни ташкил қилган бўлса, 2004 йилга қадар камайиш тенденциясига эга бўлди ва шу йили 37,2%ни ташкил қилди. Аммо 2005 йилдан бошлаб соҳанинг мамлакат иқтисодиётидаги улуши ошиб борди. Шу йили унинг миқдори 38,4%ни ташкил қилган бўлса, 2008 йилга келиб 43,3%га етди.

Таҳлил қилинаётган 2001-2008 йиллар давомида хизмат кўрсатиш соҳасининг ўсиш суръати ЯИМнинг ўсиш суръатига нисбатан анча юқорилиги сақлаб қолинган (1.3.1-жадвал).

1.3.1-жадвал

**Мамлакат ЯИМ ва хизмат кўрсатиш соҳаси улушининг 2001-2008
йиллардаги динамикаси²⁷**

Кўрсаткичлар	Йиллар							
	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008
ЯИМ, млрд. сўм	4925,	7450,	9837,	12189,	15210,	20759,	28186,	36839,
Ўсиш суръати (ўтган йилга нисбатан, таққослама баҳода), %	104,2	104,0	104,2	107,4	107,0	107,3	109,5	109,0
Ўсиш суръати (2001 йилга нисбатан, жорий баҳо ҳисобида), %	100,0	151,3	199,7	247,5	308,8	421,5	572,3	748,0
Хизматлар соҳасининг ЯИМдаги улуши, %	38,2	37,9	37,4	37,2	38,4	39,5	39,4	43,3
Хизмат кўрсатиш соҳасининг ўсиш суръатлари (ўтган йилга нисбатан таққослама баҳода), %	114,7	108,6	109,5	113,8	116,3	120,1	126,6	121,3
Чакана савдо айланмасининг ўсиш суръатлари (ўтган йилга нисбатан таққослама баҳода), %	109,6	102,1	104,2	105,2	105,1	114,7	121,0	117,2

Хизмат кўрсатиш соҳасининг мамлакат ЯИМдаги улуши муттасил ошиб бораётганлиги мазкур соҳа тармоқлари мамлакат иқтисодиётида салмоқли ўринга эга бўлиб бораётганлигидан ва бунинг натижасида аҳоли турмуш даражасининг яхшиланаётганлигидан далолат беради.

²⁷Манба: Ўзбекистон Республикасининг 2001-2008 йиллардаги статистик ахборотномаси. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг тегишли йиллар бўйича нашри асосида муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинди.

Чунончи, 2008 йилда хизмат кўрсатиш соҳасида 215 мингдан зиёд янги иш ўринлари, 2103 та савдо ва 5138 та маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчалари ташкил этилиб, аҳолига кўрсатилган умумий хизматлар ҳажми 121,3 фоизга ўсди ва 20082,7 млрд. сўмни ташкил этди²⁸. Шунингдек, 2008 йилда иқтисодиётда банд бўлганларнинг 78,4%и айнан нодавлат секторидадир²⁹.

Шуни эътироф этиш керакки, хизматлар таркибида унинг замонавий, илғор турлари – телекоммуникация хизматлари, уяли телефон алоқаси, молия-банк хизматлари, лизинг тартибидаги кредитлар ажратиш, суғурта, сайёҳлик-экскурсия каби замонавий хизмат турлари ҳам жадал суръатда ривожланмоқда.

Характерли жиҳати шундаки, аҳолининг турмуш даражаси яхшиланиб, фаровонлиги ошиб боргани сайин хизматларга бўлган эҳтиёж ҳам ошиб бормоқда. Республикада 2008 йил якуни бўйича аҳоли жон бошига 738,5 минг сўмлик хизматлар кўрсатилган, шу жумладан транспорт хизматлари 243,8 минг сўм, савдо ва умумий овқатланиш хизматлари 128,8 минг сўм, коммунал хизматлар 113,4 минг сўм. Маиший хизмат кўрсатиш ҳажми 2007 йилга нисбатан 132,8% га ўсди³⁰. Бу тенденция кейинги йилларда ҳам давом этади ва соҳанинг мамлакат иқтисодиётидаги улуши ошиб боради.

Хизмат кўрсатишнинг асосий қисми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка асосланганлиги учун соҳанинг ўсиш динамикасига назар соламиз (1.3.2-жадвал).

1.3.2-жадвал

Мамлакатимизда фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар сони ва улар ЯИИМдаги улушининг 2001-2008 йиллардаги ўзгариш динамикаси³¹

Кўрсаткичлар	Йиллар							
	2001	2002	2003	2004	2005	2006	2007	2008
Фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар сони, минг киши	170,8	208,7	255,9	277,4	308,7	384,1	392,0	398,6

²⁸ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 92 бет.

²⁹ Статистическое обозрение Республики Узбекистан за 2008 год. Т.: Госкомстат Узбекистана. 2009. - 8 с.

³⁰ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 92 бет.

³¹ Ўзбекистон Республикасининг 2001-2008 йиллардаги статистик ахборотномаси. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг тегишли йиллар бўйича нашри асосида муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинди.

Уларнинг ЯИМдаги улуши, %	33,8	34,6	35,0	35,6	38,2	42,1	45,5	48,2
------------------------------	------	------	------	------	------	------	------	------

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатмоқдаки, 2001 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакат ЯИМдаги улуши 33,8%ни ташкил қилган бўлса, 2002 йилда 34,6%ни, 2003 йилда 35,5%ни ташкил қилди. Соҳа салмоғи 2003 йилда 2002 йилга нисбатан 0,9 пунктга ошган ёки миқдор кўрсаткичида ифодаланса, 2584,4 млрд. сўмга кўтарилиб, таққосланаётган йилга нисбатан бу 798 млрд. сўм ортиқ эканлигини кўрсатади. Бу ҳолат кейинги йилларда ҳам сақланиб қолди, яъни 2004 йилда соҳанинг ЯИМдаги улуши 35,6%ни, 2005 йилда 38,2 %ни, 2006 йилда 42,1%ни, 2007 йилда 45,5%ни ташкил қилган бўлса, 2008 йилда ушбу кўрсаткич миқдори 48,2%га тенг бўлди.

Ислохотларнинг амалий ифодаси бевосита иқтисодий кўрсаткичларда ўз аксини топмоқда. 2009 йилда иқтисодиётнинг деярли барча тармоқларида изчил ривожланиш тенденциясига эришилди. Бунда мамлакат ЯИМининг ўсиши 8,1%ни ташкил этиб, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 9,0%га кўпайди, қишлоқ хўжалигидаги ўсиш 5,7%га етди, чакана чавдо айланмаси 16,6%, аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш 12,9%га ошди. Аҳолининг реал даромадлари 2009 йил давомида 26,5%га кўпайиб, пенсия ва нафақалар миқдори ўрта ҳисобда 40%га ошди.

2009 йилда хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ижобий силжишлар бўлди, хусусан, 840 дан ортиқ лойиҳа амалга оширилиши натижасида маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2008 йилга нисбатан 2,3 баробарга ошди, ягона солиқ тўлови кичик саноат корхоналари учун 8 фоиздан 7 фоизга, яқка тартибдаги тадбиркорлар учун 1,3 баробарга камайтирилди, хусусий тадбиркорлар учун лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш қиймати 2,5 баробарга, кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш 2 баробарга пасайтирилди, йил давомида қарийб 2 мингта бўш бино кичик тадбиркорлик субъектларига ижарага берилди, кичик бизнес соҳасида 390 мингдан зиёд, шу жумладан, хизмат кўрсатиш соҳасида 270 мингдан ортиқ янги иш ўринлари очилди³². Келажакда ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида банд бўлганлар улуши меҳнатга қобилиятли аҳолининг асосий қисмини ташкил қилиши кўзда тутилмоқда.

³² Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Президент Ислам Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. - Халқ сўзи. 2010 йил 30 январь. - 3-4 бет.

Ислохотларнинг ҳозирги босқичида, республикамизда хизмат кўрсатиш соҳаси билан боғлиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка асосланган корхоналарнинг иқтисодий барқарорлигига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни бартараф этиш, улар фаолиятларини доимий равишда такомиллаштириб бориш механизмларини яратиш муҳимдир. Мазкур соҳа ривожланишида давлат маҳаллий бошқарув органларининг ўрни аҳамиятли эканлигини эътибордан четда қолдирмаслик керак. Маҳаллий ҳокимликлар тадбиркорлар фаолиятига аралашмаслик билан бирга уларга маълум даражада, айниқса, тадбиркорларни ишлаб чиқариш бинолари, иншоотлар, омбор ва савдо жойлари билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилишда амалий ёрдам беришлари лозим.

Ҳозирги кунда хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш учун хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам ихтисослашган уюшмалар тузилмоқда. Жумладан, ушбу соҳага кўмаклашаётган ташкилотлардан бири Ўзбекистон Республикаси Савдо – саноат палатаси иқтисодиётнинг барча соҳаларидаги ишбилармон ва тадбиркорларни бирлаштириб, уларга ташкилий – ҳуқуқий ва консальтинг хизмати кўрсатади ҳамда ҳар йили уларни рағбатлантириш мақсадида турли кўргазмалар, кўрик танловлари уюштириб келмоқда.

Бундан ташқари, “Мадад” суғурта агентлиги ҳам соҳанинг ривожланиши учун бевосита ижобий таъсир кўрсатмоқда. Шунингдек, мамлакатимизда хизмат билан шуғулланувчи тадбиркорларни турли технологиялар ва ускуналар билан таъминлаш мақсадида ташкил этилаётган лизинг компаниялари орқали лизинг тизими ривожлантирилмоқда, консальтинг, ахборот-ҳисоблаш, инжиниринг хизматлари, тижорат фаолияти ва кўчмас мулк операциялари билан боғлиқ инфратузилмалар ҳам вужудга келмоқда.

Хизмат соҳаси билан боғлиқ хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масаласи ҳам яхши ҳал бўлган. Улар тижорат банкларининг ўз маблағлари ва бюджетдан ташқари фондлар ҳамда халқаро ташкилотларнинг кредит линиялари орқали амалга оширилмоқда. 2009 йилда иқтисодиётга инвестициялар киритиш ҳажми 8,2 млрд. АҚШ долларини ташкил этди, бу эса 2008 йилга нисбатан 24,8 фоиз кўпдир, жалб этилган хорижий инвестициялар ҳажми 68 фоизга, шу жумладан, тўғридан-тўғри киритилган инвестициялар 1,8 баробарга ошди. Ҳукуматимиз томонидан 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарши чоралар дастури доирасида 2009 йилда кичик

бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган кредит ресурсларининг умумий ҳажми 1,8 триллион сўмдан ошди³³.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бозор муносабатлари ва унинг инфратузилмаларининг ривожланган тизими шаклланиши узоқ даврни талаб этадиган мураккаб жараёндир. Бу жараёнда нодавлат уюшмалари билан бирга давлат ҳамда маҳаллий ҳокимият органларининг иштироки ҳам муҳимдир.

Мамлакатимизда тадбиркорликни, шу жумладан хизмат соҳаси билан боғлиқ соҳани ривожлантириш муаммоларини ҳал қилишда бир қанча маъмурий тўсиқлар, монополия ва суғурталашдаги айрим камчиликлар мавжуд. Жумладан, бўш ётган ишлаб чиқариш майдонлари ва қувватларига эга бўлган корхона ва ташкилотларни фойдаланишга топширмаслик сабабларини ўрганиш лозим. Давлат институтларида маъмурий тўсиқларнинг мавжудлиги ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига бевосита таъсир этиб, кўзда тутилмаган турли харажатларнинг кўпайишига олиб келади. Натижада, хизмат соҳаси билан боғлиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларнинг айланма маблағлари сунъий равишда четланиб, улар иқтисодий самарадорлигининг пасайиб кетишига олиб келади.

Хизмат кўрсатиш соҳаси билан шуғулланадиган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларнинг ривожланишида бугунги кундаги мавжуд тўсиқлардан бири, мамлакатимизда яратилаётган рақобат муҳити ва уни ривожлантириш сиёсатининг талаб даражасида эмаслигидир. Республикада монополистик тенденциянинг сақланиб қолиниши, алоҳида заҳираларнинг лимит ва фондлар бўйича тақсимланиши, лицензия, рухсатнома ва сертификат берилишидаги маъмурий тўсиқлар ҳам уларнинг ривожланишига халақит берувчи асосий омиллар ҳисобланади.

Тадқиқотимиз давомида ўтказилган социологик сўровлар орқали хизмат кўрсатиш соҳаси билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш юзасидан соҳа тадбиркорларига анкета сўровлари тарқатилди. Уларнинг таъкидлашича, мавжуд муаммолар таркибига қуйидагиларни киритиш мумкин экан:

-давлат корхоналарига нисбатан хизмат соҳасида фаолият кўрсатаётган хусусий сектор субъектлари тенг ҳуқуқлигининг ҳамиша ва ҳамма жойда ҳам бир хил таъминланмаганлиги;

-кўплаб ташкилий-ҳуқуқий тадбирларнинг қўлланилишига қарамасдан баъзи идоралар томонидан турли баҳоналар билан устма – уст текширувларнинг ҳамон мавжудлиги;

³³ Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. - Халқ сўзи. 2010 йил 30 январь. - 3-4 бет.

- давлат корхоналарига нисбатан хусусий корхоналарга коммунал хизматлар кўрсатишда маълум даражада юқори ставкаларнинг қўйилиши;
- божхона қонунчилигидаги айрим тўсиқлар;
- маъмурий тўсиқларнинг тўлиқ бартараф этилмаганлиги;
- суғурта хизматлари тўғрисида шартномаларнинг тузилмаслиги ва тузилган тақдирда ҳам ўз вақтида ижро этилмаганлиги, уларни ҳужжатлаштиришдаги айрим қийинчиликларнинг мавжудлиги;
- жойларда суғурталаш хизматлари юзасидан тарғибот – ташвиқот ишларининг сустилиги кабилар.

Тадқиқотлар кўрсатдики, хизмат соҳаси билан боғлиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва юқоридаги хизматларни такомиллаштириш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- иқтисодиётда, айниқса хизмат соҳасида, давлат монополиясининг ҳар қандай шакллари ни максимал даражада чеклаш, иқтисодиётнинг барча бўғинларига эркинлик бериш;
- тадбиркорлик фаолиятини текширувчи идораларнинг мувофиқлаштирилган фаолиятини янада такомиллаштириш, бу ўринда аудиторлик фаолиятини кучайтириш ва ваколатларини кенгайтириш;
- мулкчиликка оид қонунчиликни такомиллаштириш, яъни мулкка эгалик қилиш, тасарруф этиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқини, мулкнинг дахлсизлиги билан боғлиқ қонунларни янада кучайтириш;
- ишлаб чиқариш ва экспорт тизимида хизмат кўрсатиш соҳаси билан шуғулланадиган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини кенгайтириш;
- хизмат кўрсатиш билан шуғулланадиган субъектларнинг бозорга киришдаги маъмурий тўсиқларини янада камайитириш ҳамда уларнинг эркин фаолияти учун барча шароитларни яратишга эришиш;
- суғурта хизматларини кенг кўламда ривожлантириш, уларнинг афзалликларини тарғибот қилувчи механизмни яратиш, жойларда суғурта ишлари олиб боришни кенгайтириш.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланишидан жамият, давлат, мулкдор, инвестор, хизмат кўрсатувчилар ва энг аввало, маҳаллий ҳокимият органлари манфаатдордир. Чунки, хизмат соҳасининг ривожланиши маҳаллий бюджет маблағларининг кўпайишини таъминлайди. Шу туфайли маҳаллий ҳокимият вакиллари тадбиркорликнинг ривожланишини ҳимоялашлари лозим. Ҳозирча бундай руҳият ҳамма жойда ҳам шаклланган, деб бўлмайди.

Бугунги кунда хизмат кўрсатиш соҳаси билан шуғулланадиган кичик бизнесни ташкил этиш ва бошқариш борасида билим ва кўникмаларни ривожлантириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу масаладаги ташаббусни айнан ҳокимликлар ўз зиммаларига олганлари маъқул. Бунинг учун шаҳар ва туман

ҳокимиятлари кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ўқув марказлари ва ўқув курсларини ҳудуд манфаатлари асосида ташкил этишлари мақсадга мувофиқдир. Айни пайтда бу каби тадбирларни молиялаштиришнинг асосий қисми тадбиркорлар ҳисобидан амалга оширилмоқда. Чунки, ривожланган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, хизмат кўрсатиш соҳаси билан боғлиқ кичик бизнес учун кадрлар тайёрлаш ва малакасини оширишга сарфланган маблағларнинг самарадорлик даражаси юқори бўлади.

Демак, хизмат кўрсатиш тармоқларининг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни қуйидагилар билан белгиланади:

- хизмат кўрсатиш тармоқлари мамлакат ялпи ички маҳсулотини яратишда иштирок этади ва унинг улуши муттасил ошиб боради;

- нақд пул тушумини кўпайтиришга ҳисса қўшади;

- иқтисодиётда хизматларга бўлган эҳтиёж қондирилади ва хизмат бозори доимий равишда тўйинтириб борилади;

- мазкур соҳада иш ўринларини очиш арзонлиги ва хизматлар бозорида талабнинг мавжудлиги ушбу соҳанинг ривожланишини ва бандлик масаласини ҳал қилиш орқали аҳоли фаровонлигини ошириш имконини беради;

- хизмат соҳасининг ривожланиши ишсизликнинг камайиши ва ижтимоий барқарорликнинг таъминланишига олиб келади;

- давлат бюджетини хизмат фаолияти натижасидан тўланадиган солиқлар эвазига бойитиб боради;

- одамларнинг турмуш шароити яхшиланади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, хизмат кўрсатиш соҳасининг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрнини мустаҳкамлаш пировард натижада улар фаолияти барқарорлигини таъминлаш, самарадорлигини ошириш ва ниҳоят хизматлар сифатининг кўтарилишига ҳам олиб келади.

II-БОБ. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ КОРХОНАЛАРИДА САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ ЙЎНАЛИШЛАРИ

2.1. Хизмат кўрсатувчи субъектлар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни баҳолашнинг концептуал йўналишлари

Бугунги кунда хизмат кўрсатиш корхоналарини ривожлантириш давр талабига айланган. Чунки иқтисодийнинг ривожланиши, янги иш ўринларининг яратилиши, бозор муносабатларига тезроқ мослашадиган соҳанинг вужудга келиши, мулкдорлар синфининг шаклланиши, давлат бюджетига тушумларнинг кўпайиши, ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг барқарорлашуви айнан шу соҳанинг ривожига боғлиқдир.

Хизмат кўрсатувчи субъектлар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни баҳолашнинг концептуал йўналишларида бир қанча масалалар қараб чиқилиши кўзда тутилган.

Биринчидан, концептуал йўналишларни белгилашда қандай кўрсаткичларни аниқлаш масаласининг ҳал бўлиши қараб чиқилса, иккинчидан, ушбу кўрсаткичларнинг ҳолатига автосервис соҳасига оид шаҳобчалар мисолида баҳо берилади. Маълумотларнинг аксарият қисми социологик сўровлар натижасида жамлангандир. Чунки хизмат кўрсатиш соҳасининг кўпчилиги микрофирма ва кичик бизнес шаҳобчалари бўлиб, уларнинг тизимли молиявий ҳисоботи қатъий регламент бўйича тузилмайди. Бу эса соҳанинг реал ҳолатига илмий ва иқтисодий жиҳатдан асосланган баҳо беришда қийинчиликлар туғдиради.

Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни оширишнинг концептуал йўналишларини аниқлашда самарадорликнинг умумметодологик асосларига таянилади. Бунда у ёки бу жараённинг (ҳодиса, харажат, ресурс каби) самарадорлигини баҳолаш учун, ундан олинadиган натижага аҳамият берилади. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, самарадорлик кўрсаткичлари уларнинг натижавийлигини ифода этади. Ушбу назарий қарашларга таяниб, хизмат кўрсатиш соҳасида самарадорлик кўрсаткичларининг концептуал йўналишларини аниқлашда соҳанинг қуйидаги кўрсаткичларини инобатга олиш лозим, деб ҳисоблаймиз:

- умумий меҳнат унумдорлиги;
- харажатларнинг даромадларга нисбатан улуши;
- даромадларга нисбатан рентабеллик кўрсаткичи;
- харажатларга нисбатан рентабеллик кўрсаткичи;
- ҳар бир ходимга тўғри келадиган фойда суммаси.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг умумий меҳнат унумдорлиги шу соҳада банд бўлган ходимлар меҳнاتининг самарадорлигини ифодалайди. Ушбу кўрсаткичнинг миқдори битта ходимнинг маълум вақт бирлигида қанча маҳсулот (хизмат) ишлаб чиқарганлигини (W_q) ифода этади. Уни аниқлаш учун барча ишлаб чиқарилган маҳсулот (хизмат) ҳажмини (Q) ходимларнинг ўртача сонига (A) бўлинади:

$$W_q = Q : A \quad (2.1)$$

Харажатларнинг даромадларга нисбатан улуши даромадларнинг қанча фоизи харажатлардан иборатлигини ифодалайди. Мазкур кўрсаткични (X_u) аниқлаш учун барча харажатларни (E) даромадлар миқдorigа (D) бўлиб, юзга кўпайтирилади:

$$X_u = E : D * 100 \quad (2.2)$$

Рентабелликнинг даромадга нисбатан даражаси даромаднинг неча фоизи фойдадан иборатлигини (R_d) кўрсатади. Буни аниқлаш учун фойдани (P) даромадлар (D) миқдorigа бўлиб, юзга кўпайтириб олинади:

$$R_d = P : D * 100 \quad (2.3)$$

Фойданинг харажатларга нисбатан рентабеллик кўрсаткичи юз сўмлик харажатга тўғри келадиган фойда суммасини ифодалайди. Буни (R_f) аниқлаш учун фойдани (P) харажатлар (F) миқдorigа бўлиб, юзга кўпайтириб олинади:

$$R_f = P : F * 100 \quad (2.4)$$

Хизмат кўрсатиш соҳасидаги ҳар бир ходимга тўғри келадиган фойда суммасини (W_p) аниқлаш учун умумий фойда суммасини (P) ходимларнинг ўртача йиллик сонига (A) бўлиш керак:

$$W_p = P : A \quad (2.5)$$

Ушбу кўрсаткичларнинг комплекс таҳлили хизмат кўрсатиш соҳасида самарадорликни оширишнинг концептуал йўналишларини ишлаб чиқиш имконини беради. Яъни барча кўрсаткичларни бир хил ўлчамга келтириб олиб, улар учун ягона комплекс кўрсаткични аниқлаш мумкин бўлади. Бу борада кўплаб тавсиялар мавжуд³⁴. Уларни умумлаштириб, биз иқтисодий

³⁴ Пардаев М.Қ. Иқтисодий таҳлил назарияси. Дарслик. Самарқанд. Зарафшон. 2001. - 272 бет. Пардаев М.Қ. Исроилов Б.И. Молиявий таҳлил. Т.: "Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси" нашр уйи, 1999. - 346 бет., Пардаев М.Қ., Абдукаримов И.Т., Исроилов Б.И. Корхонанинг иқтисодий салоҳияти таҳлили. Т.: "Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси" нашр уйи, 2003. - 256 бет. Шермет А.Д. Теория экономического анализа. Учебник. – М.: ИНФРА-М, 2002 – 333 бет. Пардаев М.Қ., Абдукаримов И.Т., Исроилов Б.И. Иқтисодий таҳлил. Ўқув қўлланма. Т.: Меҳнат, 2004. - 556 бет.

тахлилда қўлланиладиган математик моделларнинг аддитив типини танладик ва қуйидаги формуладан фойдаланишни тавсия қилмоқдамиз:

$$(2.6) \quad K_k = \sum_{i=1}^n R_i$$

Бунда: K_k – самарадорликни ифодаловчи комплекс кўрсаткич;

$\sum$ - жамлаш белгиси;

n - кўрсаткичларнинг умумий сони;

i – битта кўрсаткичнинг тартиб сони;

R_i – рентабелликни ифодаловчи алоҳида кўрсаткичлар.

Аммо мазкур кўрсаткичларнинг барчасини ҳисоботлар орқали тўплаш имкони бўлмайди. Чунки хизмат кўрсатувчи субъектларнинг кўпчилиги юридик шахс мақомига эга эмаслар. Шу сабабдан турли йўналишда хизмат кўрсатувчи субъектлар маълумотлари социологик сўров натижасида тўпланди ва улар тегишли тарзда таҳлил қилинди.

Хизматнинг барча турлари бўйича меҳнат унумдорлиги, харажатларнинг даромадларга нисбатан улуши, рентабеллик кўрсаткичларининг даромадларга ва харажатларга нисбатан даражаси, ҳар бир ходимга тўғри келадиган фойда сўммаси аниқлаб олинди. Ушбу кўрсаткичлар ҳар бир субъект ва хизмат турлари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоблаб чиқилди. Тадқиқот натижасида олинган маълумотлар хизмат кўрсатиш соҳасининг 11 та турига тўғри келди. Уларнинг умумлашган ҳолати 2.1 - жадвалда келтирилмоқда.

2.1.1–жадвал

**Хоразм вилоятида кузатилган 112 та хизмат кўрсатувчи субъектлар
даромади ва харажатлари ҳамда умумлашган кўрсаткичлари бўйича 2008
йил май ойидаги ҳолат тўғрисида
МАЪЛУМОТ***

Т/р	Хизматлар номи	Умумий меҳнат унумдор- лиги, минг сўм	Харажат- ларнинг даромад- ларга нисбатан улуши, %	Рентабеллик Кўрсаткичи		Ҳар бир ходимга тўғри ке- ладиган фойда суммаси, минг сўм
				даромад- ларга нисбатан, %	хаража- ларга нисбатан, %	
1	Автосервис хизматлари	355	69	31	45	111
2	Автомобилларга ёқилғи қуйиш хизматлари	2005	83	17	20	341
3	Транспорт хизмати	634	72	27	38	174
4	Ясаш ва таъмир- лаш хизматлари	610	77	23	30	141
5	Коммунал хизматлар	458	78	22	27	99
6	Маиший хизматлар	330	70	30	43	100
7	Оммавий овқатла- ниш хизматлари	1166	65	35	54	408
8	Нонвойхона хизматлари	362	75	25	33	89
9	Савдо хизматлари	911	76	24	32	219

* Кузатилган 112 та хизмат кўрсатиш билан шуғуллунадиган субъектларнинг маълумотлари асосида муаллиф томонидан қилинган ҳисоб-китоблар.

10	Ахборот технологиялари хизмат.	408	68	31	46	128
11	Сайёҳлик (туризм) хизматлари	625	62	38	61	237
ЖАМИ (ўртача)		715	72	27	39	186

Мазкур жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, меҳнат унумдорлиги бўйича энг юқори кўрсаткичга автомобилларга ёқилғи қуйиш шаҳобчалари эришган. Ушбу тармоқда унинг миқдори 2005 минг сўмни ташкил қилади. Бу миқдор энг кам кўрсаткичга эришган маиший хизматлар соҳасига (330 минг сўм) нисбатан 6,1 мартага кўпдир. Юқоридан иккинчи ўринда овқатланиш соҳаси субъектлари туради. Уларнинг бир ойлик меҳнат унумдорлиги 1166 минг сўмни, бу энг юқори кўрсаткичга нисбатан 58,2% ни $(1166 \cdot 100 : 2005)$ ташкил этади. Меҳнат унумдорлиги бўйича етакчи ўринларда, яъни учинчи ўринда турадиган соҳа - савдо соҳаси эканлиги аниқланди. Унда бир ойлик меҳнат унумдорлиги 911 минг сўм бўлиб, бу энг юқори кўрсаткичга нисбатан 45,4% ни $(911 \cdot 100 : 2005)$ ташкил этади.

Меҳнат унумдорлиги жиҳатидан нонвойхоналарда ҳам кўрсаткич бир мунча паст даражада сақланиб қолмоқда. Унинг миқдори бир ойга 362 минг сўм бўлиб, бу энг юқори кўрсаткичга нисбатан атиги 18,0% ни ташкил қилади $(362 \cdot 100 : 2005)$ ёки 5,5 марта $(2005 : 362)$ камдир. Хизмат соҳасида ахборот технологиялари хизматларида меҳнат унумдорлиги бир ойда 408 минг сўмни ташкил қилади. Бу кўрсаткич ҳам энг юқори кўрсаткичга нисбатан 4,9 марта $(2005 : 408)$ камдир. Мазкур хизмат тури ҳозирги шароитда шаклланаётган хизмат турларидан бўлиб, келгусида у кескин ривожланади ва табиийки, мазкур хизмат соҳасида меҳнат унумдорлиги ҳам юқори бўлади.

Харажатларнинг даромадларга нисбатан улуши бўйича шуни таъкидлаш мумкинки, кузатилган хизмат кўрсатиш субъектларида барча кўрсаткичлар ижобий, яъни харажатлар даромадларга нисбатан кам. Мазкур кўрсаткич бўйича энг юқори миқдор автомобилларга ёқилғи қуйиш хизматларида 83,0% ни ташкил қилади.

Коммунал хизматлар бўйича унинг улуши 78,0% га тенг. Энг кам кўрсаткич, яъни 62,0% сайёҳлик (туризм) соҳасига тўғри келади. Ушбу кўрсаткич бўйича энг юқори ва энг қуйи миқдор ўртасидаги фарқ 21,0% га $(83,0 - 62,0)$ тенг. Бунда шуни инобатга олиш лозимки, субъектларнинг қай бирида мазкур кўрсаткич миқдори паст бўлса, унда унинг натижаси яхшилигидан, яъни харажатларнинг улуши даромадларга нисбатан пастлигидан, бу эса ушбу хизмат турининг самарадорлигидан далолат беради.

Хизмат кўрсатиш соҳасида самарадорликни ифодалаш учун рентабеллик кўрсаткичларидан ҳам кенг фойдаланилади. Улардан бири соф фойданинг даромадга нисбати билан ўлчанади. Мазкур кўрсаткич бўйича энг юқори самарадорлик сайёҳлик соҳасига тўғри келмоқда. Унинг рентабеллиги 38,0% ни ташкил қилади. Энг паст кўрсаткич автомобилларга ёқилғи қуйиш шаҳобчаларида 17,0% ни ташкил этади. Мазкур кўрсаткичнинг энг катта ва энг кичиги ўртасидаги фарқ 21,0% га (38,0-17,0) тенг, улар ўртасидаги нисбат эса 2,2 мартани (38,0:17,0) ташкил қилади.

Хизмат кўрсатиш соҳасида самарадорликни ифодалавчи яна бир кўрсаткич - фойданинг харажатларга нисбати билан ифодаланади. Мазкур кўрсаткич бўйича ҳам хизмат кўрсатиш соҳалари турли натижаларга эга бўлган. Бунда ҳам энг юқори натижа сайёҳлик соҳасига тўғри келади. Ушбу соҳада рентабеллик даражаси 61,0% га тенг, ундан кейинги ўринда оммавий овқатланиш соҳаси бўлиб, унинг рентабеллиги 54,0% ни ташкил қилади. Ахборот технологиялари хизматлари ҳам самарадор соҳалардан бири эканлигини кўрамыз, унинг рентабеллиги 46,0% ни ташкил этади. Энг паст рентабеллик (20,0%) автомобилларга ёқилғи қуйиш соҳасига тўғри келмоқда. Мазкур кўрсаткич бўйича энг юқори ва энг паст миқдорлар ўртасидаги нисбат 3,0 мартани (61,0:20,0) ташкил қилади. Бундан кўринадики, хизмат кўрсатиш соҳасида самарадорлик даражаси турлича.

Барча самарадорлик кўрсаткичларини ўзида мужассам этадиган ва уларни тўлдиришга хизмат қиладиган кўрсаткичлардан бири ҳар бир ходимга тўғри келадиган фойда суммасидир. Ушбу кўрсаткич бўйича ҳам турли соҳадаги кўрсаткичлар турлича бўлиб, бунда энг юқори кўрсаткич (408,0 минг сўм) оммавий овқатланиш хизматларига, энг паст кўрсаткич (89,0 минг сўм) эса нонвойхона хизматларига тўғри келган. Улар ўртасидаги нисбат 4,6 мартани (408,0:89,0) ташкил қилади.

Умумий хулоса шундаки, самарадорлик кўрсаткичи хизмат кўрсатишнинг турли соҳаларида турлича экан. Бозор муносабатлари шароитида фаолиятни танлашда ушбу ҳолатларга эътиборни қаратиш лозимдир.

Юқорида келтирилган хизмат кўрсатиш соҳаларидан бири автосервис соҳаси самарадорлигини алоҳида кўриб чиқишни мақсадга мувофиқ деб топдик. Чунки ушбу соҳага оид хизматлар кўлами кенгайиб бормоқда ва мамлакатимизда аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасининг юксалиб бораётганлиги туфайли автомобиллар сони кундан кунга кўпайиб бормоқда. Бу эса автосервисга бўлган талабнинг ошишига олиб келади (2.2- жадвал).

Мазкур жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, барча тадқиқ қилинган субъектларнинг 9 таси автосервис соҳасига тўғри келмоқда. Ушбу субъектларнинг умумий меҳнат унумдорлиги 355 минг сўмни (7461:21)

ташкил қилади. Ушбу соҳада мазкур кўрсаткичнинг энг кичик ва энг катта миқдори ўртасидаги фарқ 6,1 мартани (905:148) ташкил этади. Таҳлиллардан кўринадик, автосервис шаҳобчаларининг жойланиши унинг самарали ишлашига кўп жиҳатдан боғлиқ экан. Чунончи, энг юқори меҳнат унумдорлигига эга бўлган шаҳобча шаҳарда, қулай, одамлар гавжум жойда

2.2. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари самарадорлигини оширишда стандартлаштириш ва сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш масалалари

Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорликни ривожлантириш масаласига катта эътибор берилмоқда. Ўтган давр ичида тадбиркорлик фаолиятига доир меъёрий-ҳуқуқий асос яратилиб, тобора такомиллаштирилмоқда. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси томонидан 2003 йил 11 декабрда “Хусусий корхона тўғрисида” қонун қабул қилиниши билан хусусий мулкка асосланган корхоналар ҳамда давлат мулкни хусусийлаштириш эвазига ташкил бўлаётган хўжалик юритувчи субъектлар хусусий корхона мақомига эга бўлди. Буларнинг аксарият қисми хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси билан боғлиқ корхоналардир.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида кўпчилик тадбиркорлар хусусийлаштиришни фақат мулкка эгалик қилиш, деб тушуниб, энди ўз фойдам, манфаатим учун меҳнат қиламан, ўзим бойисам бўлди, қабилда ҳам иш юрита бошладилар. Шунинг учун давлатга тегишли баъзи бино ва иншоотлар хусусийлаштирилгандан сўнг бузилди ёки қайта сотиб юборилди. Шу ўринда Юртбошимиз хусусийлаштиришга доир асосий вазифалар тўғрисида тўхталиб, “Бу ерда гап мулкдорни шунчаки алмаштириш – давлатни жамоа, акционер, хусусий мулкдор билан алмаштириш тўғрисида бораётгани йўқ. Бу ерда гап, ўзига теккан мулкни шамолга совурмасдан ёки шахсий бойлик орттириш манбаига айлантириб юбормасдан, балки ана шу мулкни кўпайтира биладиган, техника билан қайта жиҳозлайдиган ва замон талабларига мувофиқ такомиллаштира оладиган, унинг негизида рақобатга бардошли маҳсулот чиқаришни йўлга қўя оладиган мулкдор, шунингдек, иш билан банд бўлмаган аҳолини иш ўринлари билан таъминлайдиган, ўзига ҳам, ишловчиларга ҳам, давлатга ҳам даромад келтирадиган ишлаб чиқаришни ташкил қила оладиган мулкдор ҳақида бораётир”³⁵, деган эди.

³⁵ Каримов И.А. Ўзбекистон – иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. –Т.: “Ўзбекистон”, 1995. – 181б.

Ҳақиқатан ҳам, мустақилликнинг дастлабки йилларида одамларимиз, айниқса, ёшларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга қизиқиш паст бўлиб, ҳатто уларнинг ўз иши ва бизнесини ташкил этишлари учун зарур бўлган иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар етарли даражада эмас эди. Эндигина тадбиркорликни бошлаган баъзи ёшлар ўзларининг тадбиркор эканидан уялиб, тортиниб ҳам турарди.

Бугун эса ўша ўтмишнинг акси ўлароқ, ҳар бир тадбиркор ўз фаолияти билан фахрланиб, ғурурланишади. Чунки, энди бугунги кун тадбиркори – фаол ишбилармон, кучли ташкилотчи, омилкор раҳбар, юқори малакали мутахассисдир. Бу борада Соҳибқирон Амир Темур ўз даврида “Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва хушёр бир киши, минг – минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир”³⁶, деган эди.

Тадбиркорлик фаолияти кўпчилик одамлар шуғулланадиган, хусусий мулкка асосланган эркин фаолият бўлганлиги учун уни ҳеч қачон марказдан (бир жойдан) туриб бошқариб бўлмайди. Чунки, соҳага доир айрим иқтисодий масалаларни тадбиркорнинг ўзи, эркин ҳал қилиши керак. Шу туфайли тадбиркорлик фаолиятида давлатнинг иштироки, кўмаги уларни назорат қилишда эмас, балки зарурий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиб, уларнинг эркин фаолияти учун тегишли қонуний асосларни яратишда намоён бўлади. Давлат тадбиркорлар учун имтиёзли солиқлар, ахборот хизматлари ва экспорт имтиёзларини яратади, уларни қўллаб – қувватлаб туради ҳамда эркин рақобат шароитига зид, тадбиркорлик фаолиятига зарар етказувчи салбий ҳолатлар юзага келишининг олдини ҳам олади.

Республикаимиз тадбиркорларига, айниқса, хизмат кўрсатиш ва сервис билан шуғулланувчиларга давлат томонидан яратилаётган қатор енгиллик ва қулайликлар билан бир вақтда, ечимини кутаётган баъзи муаммолар ҳам мавжуд. Жумладан, хизмат соҳасида хусусий тадбиркорлик фаолиятини стандартлаштириш ва сертификатлаштириш масаласи билан боғлиқ муаммолар. Шу сабабли ушбу масалага тўхталишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисобладик.

Тадқиқотларимиз кўрсатдики, бугунги кунда тадбиркорлик билан шуғулланаётган кўплаб ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчилар ўз маҳсулотларининг сифат кўрсаткичлари стандарт талабларига тўғри келиш-келмаслиги тўғрисида ёки бошқача айтганда, маҳсулот ва хизматларни стандартлаштириш ва сертификатлаштиришга доир ҳуқуқий билимларга эга эмаслар. Ваҳолангки, тадбиркор ўз маҳсулоти ёки хизматининг стандарт талабларига мослиги ёки унинг дунё таснифлагичларидаги ўрнини олдиндан

³⁶ Аҳмедов Б., Аминов А. Амир Темур ўғитлари – Т.: “Наврўз”, 1992. – 11-б.

билиши лозим. Шунинг учун айни вақтда мамлакатимиз тадбиркорларининг маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш ва стандартлаштириш бўйича оммавий саводхонлигини ошириш, мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари, бугунги кун тадбиркоридан дунёвий билимлар эга бўлиш ҳам талаб этилади. Чунончи, у янгидан пайдо бўлаётган, тез ўзгариб турувчи ахборотларни ўз вақтида илғай олиши зарур. Президент И.А. Каримов таъкидлаганидек, “ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди, шиддат билан, тез суръатларда ҳамиша олдинга интилади. Кимки ҳаёт тараққиёти суръатлари билан ҳамқадам бўлмаса, унга лоқайд ва беписанд қараса, ҳеч шубҳасиз, тез ўзгараётган тарихнинг бир чеккасида, қолоқлик ва армонда қолиб кетади”³⁷. Тез ўзгараётган жамиятимиз маҳсулот ва хизматларга эҳтиёж ҳамда улар сифатига талабларнинг тез ўзгаришини тақозо этади. Бундай шароитда “замондан олдинда юриш керак”, деган ақидага амал қилиш лозим. Бунинг учун тадбиркор кўп ўқиши, ўзига зарур нарсаларни яхши билиши керак.

Мисол учун, бугунги кун тадбиркори ўз корхонасини давлат рўйхатидан ўтказаяётган ёки шунга ўхшаш бошқа ҳолатларда КТУТ(ОКПО): 02568963; ХХТУТ(ОКОНХ): 95110; ТХШТ(КОПФ): 2100; МШТ(КФС): 210 каби маълумотларга дуч келиши табиий. У булар нима эканлигини билишадими?

Социологик сўровларимиз кўрсатдики, кўпчилик тадбиркорларнинг ҳужжатлардаги бу каби маълумотлар ҳақида умуман тушунчаси йўқ эканлар. Бу маълумотлар тадбиркорга нима учун зарурлигини, ўз фаолиятида бундай маълумотлар билан ишлай олиши лозимлигини билмаса, қандай қилиб сифатли маҳсулот ишлаб чиқаради ёки хизмат кўрсата олади? Агарда товар, иш ёки хизмат тегишли тарзда сифат сертификатига эга бўлмаса, табиийки унинг сотилиши қийинлашади ва шу асосда самарадорлик пасайиб боради. Сифат бўлмаган жойда самарадорлик бўлмайди, иккаласи ҳам бўлмаган жойда тадбиркорликда муваффақият бўлмайди. Шунинг учун ҳар бир тадбиркор маҳсулотлар ва хизматлар таснифлагичларини, уларни сертификатлаштириш ва стандартлаштириш йўллари билишлари керак.

Тадбиркор сертификат олдики, бутун фаолиятини шунга мос равишда сифатли амалга ошириши шарт. Аммо тадқиқотларимиз кўрсатдики, ўрганилган 131 та хизматдан деярли учдан бир қисмида сертификатлаштириш қоидалари қўпол равишда бузилган.

Эркин рақобатга асосланган бозор муносабатлари шароитида тадбиркорлик фаолиятига кўмаклашувчи давлат ташкилотларидан бири – “Ўзстандарт” агентлиги бўлиб, у ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва

³⁷ Каримов И.А. Тинчик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қдратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродаимизга боғлиқ. Т.12 – Т.: “Ўзбекистон”, 2004. – 29 б.

кўрсатилаётган хизматларнинг сифати ва хавфсизлиги бўйича умумий қоида – меъёрларни ишлаб чиқиш ва уларни иқтисодиётда қўллашни ташкиллаштиради. Президентимиз раҳнамолигида стандартлаштириш ва сертификатлаштириш бўйича замонавий тизимларни барпо этиш ва ривожлантиришга доир кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда.

Сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни назорат қилиш бўйича меъёрий-ҳуқуқий база яратилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Стандартлаштириш тўғрисида” (1993 йил 28 декабрь), “Маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида” (1993 йил 28 декабрь), “Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги (1997 йил 30 август) қонунлари, қатор Ҳукумат қарорлари ҳамда маҳсулотларни сертификатлаштиришга доир амалдаги қонунчилик ва Европа нормалари (EN) бўйича “Ўзстандарт” агентлиги томонидан ишлаб чиқилиб, Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтказилган “Маҳсулотни сертификатлаштириш қоидалари” (1458-сон, 2005 йил 18 март), “Маҳсулотлар хавфсизлик кўрсаткичлари бўйича декларациялаш тартиби тўғрисидаги низом” (1464-сон, 2005 йил 6 апрель) ва “Сертификатлаштирилган маҳсулотлар ва хизматлар устидан инспекция назоратини ўтказиш тартиби” (1465-сон, 2005 йил 6 апрель) каби ҳужжатлар тадбиркорлар учун сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишда асос бўлувчи ҳужжатлардир.

Булардан ташқари Агентлик таркибида тадбиркорлик субъектларига доир яна шундай фаолият борки, унда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўйича ахборотларни йиғиш, компьютерда ишлаш, статистик ҳисобга олиш, таҳлил қилиш ва истиқболни белгилашда муҳим ўринга эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг таснифлагичлари ишлаб чиқилади. Шу ўринда таснифлагичлар тўғрисида қисқагина тўхталиб ўтишни жоиз деб ҳисоблаймиз.

Таснифлаш - бу қабул қилинган усулга мувофиқ объектлар тўпламларини уларнинг ўзаро ўхшаш ёки фарқли белгиларига кўра бошқа кичик тўпламларга ажратишдир. Код - бу қабул қилинган усулга мувофиқ таснифланган объект ёки гуруҳга берилган белги ёки белгилар мажмуасидан иборатдир. Таснифлагич (техник-иқтисодий, ижтимоий ахборотлар таснифлагичи) – стандартлаштириш бўйича меъёрий ҳужжат бўлиб, у таснифланган кичик гуруҳ ёки объектлар номлари ва кодлари тартиблаштирилган тўпламдан иборат бўлади.

Ҳозирги кунда республикаимиз иқтисодиётида кўплаб умумдавлат таснифлагичларидан фойдаланилмоқда. Мисол учун, КТУТ (ОКПО) – Ўзбекистон Республикаси корхона – ташкилотларининг умумдавлат таснифлагичи, ХХТУТ (ОКОНХ) - Ўзбекистон Республикаси халқ ҳўжалиги тармоқларининг умумдавлат таснифлагичи, ДБИБТ (СООГУ) – Давлат

бошқарув идораларини белгиловчи тизим, ФТБХУТ (ОКУВД) - Ўзбекистон Республикаси фаолият турлари бўйича хизматлар таснифлагичи, МХББТ (СОАТО) – Маъмурий-худудий бирлашмаларни белгиловчи тизим ва ҳоказо.

Бугунги кунда “Ўзстандарт” агентлиги билан Давлат статистика қўмитаси ҳамкорлигида яратилган 15 га яқин умумдавлат таснифлагичлари халқаро таснифлагичлар билан бир қаторда мамлакатимиз иқтисодиётида қўлланилмоқда. Булардан айнан тадбиркорликнинг хизмат кўрсатиш фаолиятида кўп фойдаланиладиган 2 хил таснифлагични қараб чиқайлик, яъни Ташкилий-ҳуқуқий шакллар таснифлагичи (ТХШТ) ва Мулкчилик шакллари таснифлагичи (МШТ).

ЎЗРУТ 004-98 стандарти бўйича Ўзбекистон Республикаси хўжалик юритувчи субъектларининг ташкилий-ҳуқуқий шакллар таснифлагичи (ТХШТ) - Ўзбекистон Республикаси техник-иқтисодий ва ижтимоий ахборотларини таснифлаш ва кодлаш ягона тизимининг таркибий қисми ҳисобланиб, ундан давлат тижорат ва нотижорат ташкилотларини таснифлаш ва кодлашда фойдаланилади. Ташкилотларнинг ташкилий – ҳуқуқий шакллари 2 хил бўлади: фойда олиш мақсади бўлган **тижорат ташкилотлари** ва фойда олиш мақсади бўлмаган **нотижорат ташкилотлари**. ТХШТнинг эталон нусхасини Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси юргизади, шунингдек, унга киритиладиган қўшимча ва ўзгартиришларни жорий этиш тартиби ва муддатини “Ўзстандарт” агентлиги белгилайди. Таснифлагичда келтирилган ташкилий-ҳуқуқий шаклларнинг айримларига тўхталиб ўтамиз.

Корхона – бу юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган мустақил хўжалик юритувчи субъект ҳисобланиб, у ўзига тегишли бўлган мулкдан фойдаланиб маҳсулот ишлаб чиқаради, сотади ёки иш бажариб, хизмат кўрсатиш жараёнида амалдаги қонунчиликка асосланади.

Ҳиссадорлик жамияти – бу устав капиталига тенг номинал қийматга эга бўлиб, маълум миқдордаги акцияларга эга бўлган жамият ҳисобланади. У амалдаги қонунчилик асосида ўз акцияларини сотиш ҳисобидан вужудга келган мулк эгасидир. Ҳиссадорлик жамиятининг акциялари эркин ёзилиш асосида тарқатилса, у очик турдаги ҳиссадорлик жамияти, акциялар фақат таъсисчилар ўртасидагина тарқатилса, у ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш ширкати – бу жамоат тадбиркорлигининг ташкилий-ҳуқуқий шакли бўлиб, унинг ҳар бир аъзоси унга қўшган ҳиссасининг миқдоридан қатъий назар битта овозга эга бўлиб, қарзлари бўйича жавобгарлик қабул қилинган устав қоида ҳолатлари билан чекланган бўлади.

Ширкат мулки – хўжаликни биргаликда юритиш асосида фаолият кўрсатувчи, аъзолик асосида кўнгилли равишда бирлашган фуқароларнинг умумий мулкдир. Ширкат мулки аъзоларининг пул ёки бошқа мулк

бадаллари, ширкат ишлаб чиқарган маҳсулот, уни сотишдан олинган фойда ва ширкат устави назарда тутган бошқа фаолиятлар натижасида ташкил топади.

Уюшма (Ассоциация) – бу иқтисодий жиҳатдан мустақил хўжалик юритувчи субъектлар ёки турли молиявий ташкилотларнинг кўнгилли бирлашган шакли бўлиб, у ўз таъсисчиси тасдиқлайдиган устав асосида иш юритади. Уюшма таркибига кирувчи корхоналар мустақил бўлиб, юридик шахс ҳуқуқига эгадирлар.

Концерн – бу мулкчилик ва назорат бирлиги билан тавсифланадиган бирлашма шакли бўлиб, унга кирувчи корхоналар мустақил бўлмасдан, концернни бошқарувчи бош ташкилот томонидан назорат қилинадилар. Концерн – илмий–техник вазифалар ва ишлаб чиқариш ривожланишини, шунингдек, инвестициявий ва ташқи иқтисодий фаолиятни марказлаштириш, корхоналарга хўжалик ҳисоби тарзида хизмат кўрсатишни ташкил этиш асосида биргаликда фаолият кўрсатувчи корхоналарнинг кўнгилли бирлашмасидир. Концерн – унга корхона, ташкилотлар томонидан кўнгилли равишда берилган ва концерннинг хўжалик фаолияти натижасида олинган мулк ҳуқуқига эга.

Корпорация – бу бирор фаолият кўрсатиш учун юридик ёки жисмоний шахслар бирлашуви ва ҳуқуқ субъектини ташкил этувчи юридик шахсдир.

Ушбу бўғинлардаги субъектларнинг барчаси ишлаб чиқарилган маҳсулоти ва кўрсатилган хизматларининг сифати учун масъулдирлар, улар сифат сертификати талабини бажаришга мажбурдирлар. Бу мажбурият айнан шу субъектлар фаолиятининг самарадорлигини ошириш имконини беради. Корхоналар фаолиятида сифат ва самарадорлик тушунчалари бир-бирига узвий боғлиқ категориялардир.

Ўзбекистон Республикаси мулкчилик шакллари таснифлагичи (МШТ) - республикамиз ҳудудидаги давлат, тижорат ва нотижорат ташкилотларини таснифлаш ва кодлаш учун қўлланилиб, у турли мулкчилик ва ташкилий-ҳуқуқий шакллардаги жисмоний ҳамда юридик шахслар фаолиятининг муҳим кўрсаткичлари истиқболини белгилаш, статистик ҳисобга олиш, таҳлил қилишда ахборотларни йиғиш, уларга компьютерда ишлов беришни таъминлаш учун ишлаб чиқилган.

МШТ гуруҳларини кодлаш учун уч белгили рақамлардан фойдаланилади, МШТнинг эталон (асл) нусхасини Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси юргизади, МШТга киритиладиган қўшимча ва ўзгартиришлар “Ўзстандарт” агентлиги томонидан белгиланади. Таснифлагичга кўра мамлакатимиздаги мулкчилик шакли икки хил бўлади: хусусий мулк ва оммавий (давлат) мулки.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида эътироф этилганидек, “Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат

химоясидадир”³⁸. “Хусусий мулк эгаси, яъни мулкдор “мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади”³⁹. Хусусий мулкчилик ҳар қандай шаклда мулк эгасининг ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) жараёнида ёки ёлланма меҳнатни қўллашда бевосита шахсан иштирок этишга асосланган бўлиши мумкин. Таснифлагичда келтирилган хусусий мулкчиликнинг айрим турларига тўхталиб ўтамыз.

Фуқаролар шахсий мулки – уй-жойлар, дала ҳовли, боғ уйлари, ер участкаларидаги дов-дарахтлар, уй ҳайвонлари ва транспорт воситалари, пул маблағлари, уй-жой хўжалиги ва шахсий қўлланиладиган буюмлар, шахсий ёрдамчи хўжалик, боғдорчилик, сабзовот-полиэ-резаворчилик, яратилган маҳсулот, шунингдек, фуқароларнинг истеъмолбоп бошқа мол-буюмларидир.

Ширкат мулки – биргаликда хўжалик юритиш ва бошқа фаолият кўрсатиш учун аъзолик асосида қўнгилли равишда бирлашган фуқароларнинг умумий мулкидир. Шунингдек, ширкат маҳсулотлари сотилишидан олинган даромадлар ва ширкат уставида назарда тутилган бошқа фаолиятлар даромадлари ҳам ширкат мулки ҳисобланади.

Ижара корхонаси мулки – ишлаб чиқарилган маҳсулот, олинган даромад ва шу корхона маблағи ҳисобидан олинган бошқа мол-мулклардир.

Оммавий мулк - Ўзбекистон Республикаси мулки ва маъмурий - ҳудудий тузилмалар мулкидан иборат бўлган давлат мулкидир.

Республика мулкига Ўзбекистон Республикаси Конституциясига биноан “ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир”⁴⁰, деб кўрсатилган. Шунингдек, давлат мулкига давлат ҳокимияти ва республика бошқарув органлари, давлат аҳамиятига эга маданий ва тарихий бойликлар, республика бюджети маблағлари, олтин захиралари, валюта ва давлатнинг бошқа фондлари ҳам киради. Булардан ташқари, давлат мулкига корхоналар ва бошқа мулкӣ мажмуалар, ўқув, илмӣ, илмӣ-тадқиқот муассасалари ва ташкилотлари, давлат бюджети ёки бошқа маблағларидан вужудга келган ёки олинган ақлий фаолият натижалари ҳамда бошқа мол-мулклар ҳам кириши мумкин.

Маҳаллий мулкка маҳаллий бюджет маблағлари, корхоналар ҳамда бошқа мулкӣ мажмуалар, халқ таълими, маданият, соғлиқни сақлаш муассасалари мулки кабилар киради. Бу мулклар уларда шунчаки сақланиш учун эмас, балки фаолиятида ишлатиш, яъни тегишли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сифатли хизматларни кўрсатиш учун бириктирилган бўлади.

³⁸ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 53-модда.

³⁹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 54-модда.

⁴⁰ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 55-модда.

Хизмат кўрсатишнинг сифатини ошириш мулк шаклидан ва кимнинг тасарруфига киришидан қатъий назар ҳар бир хўжалик юритувчи субъектнинг муқаддас бурчидир, чунки унинг яшовчанлиги, келажақдаги тақдири ҳам бевосита шу кўрсаткичларга боғлиқдир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, хизмат кўрсатиш бўйича хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришда ҳар бир тадбиркор ишлаб чиқарган маҳсулоти ёки кўрсатган хизматининг жаҳон стандартларига мослашувини таъминловчи стандартлаштириш ва сертификатлаштириш борасидаги билим ва кўникмаларини шакллантиришлари лозим экан. Бу масала бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири саналади, чунки мамлакатимиз жаҳон интеграциялашуви жараёнига кириб борар экан, маҳсулот ва хизматлар рақобатбардошлигини таъминлашга уларнинг сифати ва самарадорлигини оширмасдан эришиб бўлмайди.

2.3. Хизмат кўрсатиш соҳаси билан шуғулланадиган корхоналарда самарадорликни оширишга таъсир этувчи омиллар ва уларни аниқлаш йўллари

Мамлакатимизда бозор иқтисодиёти муносабатлари ривожланиб борган сари тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар имкониятлари ҳам кенгаймоқда. Тадбиркорликнинг турли-туман кўринишлари халқимиз турмуш даражасини юксалтиришга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Кимдир савдо-сотик, кимдир фермерлик, яна кимдир дурадгорлик, хуллас, одамлар тадбиркорликнинг ўзларига маъқул бўлган кўринишлари билан шуғулланиб, шу орқали рўзғор тебратаёпти. Тадбиркорлик фаолиятининг яна шундай тури ҳам борки, ундан кўпчилигимиз кундалик ҳаётимизда истасак-истамасак фойдаланишга мажбур бўламиз. Бу йўловчи ташиш – одамлар узоғини яқин, оғирини енгил қилиш билан шуғулланувчи тадбиркорлик фаолиятидир.

Тадбиркорлик - бирор-бир фойдали иш билан машғул бўлиш, албатта, яхши, аммо ҳар бир фаолият ҳам мавжуд қонун-қоидалар талаблари асосида ташкил этилиши лозим. Масалага шу нуқтаи назардан ёндошган ҳолда ушбу ишда автомобил сервиси билан шуғулланадиган хусусий корхоналар иқтисодий самарадорлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш усулларига тўхталмоқчимиз.

Ҳозирги кунда бу соҳа бўйича давлат мулки билан бир вақтда нодавлат- хусусий сектор ҳам ривож топмоқда. Яъни автомобил сервисининг асосий қисми хусусий мулкчилик тамойилларига асосланмоқда. Зеро, бозор муносабатлари шароитида автомобил сервиси ҳам эркин рақобат муҳити шароитида фаолият кўрсатмоғи лозим. Бу ҳолатни иқтисодий жиҳатдан тўғри баҳолаш учун унинг самарадорлик кўрсаткичларига аҳамият берамиз.

Автомобил сервиси самарадорлигини ифодалашда кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаб, қуйидаги кўрсаткичлар тизимини таклиф қиламиз:

1. Автомобил сервиси соҳасининг рентабеллиги;
2. Бир автомобил билан ташилган йўловчиларнинг ўртача сони;
3. Бир авт/км (бир автомобилнинг 1 км масофани босиб ўтиш йўли)га тўғри келадиган ўртача тушум.

Автомобил сервиси соҳасининг рентабеллиги (A_{cp})ни унга сарфланган барча (ўзгарувчи ва ўзгармас) харажатлар нуқтаи назаридан аниқлаш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун соҳа соф фойдаси (Φ)ни жами харажатлар суммаси (X_c)га бўлиб, юзга кўпайтириш керак. Яъни:

$$A_{cp} = \frac{\Phi \cdot 100}{X_c} \quad (3.1)$$

Ушбу кўрсаткич мазкур соҳа учун сарфланган 100 сўмлик харажатга қанча фойда олинганлигини кўрсатади.

Бир автомобил билан ташилган йўловчиларнинг ўртача сони ($A_{тис.ўрт.}$)ни аниқлаш учун барча ташилган йўловчилар сони (Y_c)ни автомобилларнинг таҳлил давридаги ўртача сони ($A_{с.ўрт.}$)га бўлинади. Яъни:

$$A_{тис.ўрт.} = \frac{Y_c}{A_{с.ўрт.}} \quad (3.2)$$

Ушбу кўрсаткич ҳисобот даврида битта автомобил билан ўртача қанча йўловчи ташилганлигини кўрсатади.

Бир авт/км га тўғри келадиган ўртача тушум ($A_{т.ўрт.}$)ни аниқлаш учун барча тушум (B_t)ни ҳисобот давридаги авт/км.нинг умумий ҳажми ($A_{км.ум.}$)га бўлиш лозим. Яъни:

$$A_{т.ўрт.} = \frac{B_t}{A_{км.ум.}} \quad (3.3)$$

Ушбу коэффициент ҳисобот даврида бир авт/км.га тўғри келадиган тушум миқдорини, яъни бир автомобил 1 км юрганда қанча даромад келтиришини ифодалайди.

Таҳлил жараёнида ушбу учта кўрсаткичнинг ҳар бирини алоҳида, шунингдек, бир-бирига боғлаб, комплекс тарзда ўрганиш тақозо этилади. Биз услубий асос сифатида бир авт/км.га тўғри келадиган ўртача тушум кўрсаткичининг ўзгариши ва унга таъсир этувчи омилларни ҳисоблаш усуллари кўриб чиқамиз.

Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, бир авт/км.нинг ўзгаришига бир қанча омиллар таъсир қилар экан. Улар жумласига бир ойлик пул тушуми (B_t); маршрут масофаси (M_m); маршрутга қўйилган автомобиллар сони

5. Автомобил сервиси самарадорлигига таъсир этувчи маршрутдаги автомобилларнинг бир ойлик **ўртача иш куни таъсири** ($\Delta(A_{т.ўрт.}; Y_{ик})$)ни аниқлаш учун қуйидаги формулани тавсия қиламиз:

$$\Delta(A_{т.ўрт.}; Y_{ик}) = \frac{B^x_t}{M^x \cdot A^x_c \cdot K^x_{с} \cdot U^x_{ик} \cdot I^x_v} - \frac{B^x_t}{M^x \cdot A^x_c \cdot K^x_{с} \cdot U^x_{р} \cdot I^x_v} \quad (3.9)$$

6.

Натижа

ўзгаришига таъсир этувчи олтинчи омил, яъни маршрутдаги автомобилларнинг **бир кунлик умумий иш вақти таъсири** ($\Delta(A_{т.ўрт.}; I_v)$)ни аниқлаш учун қуйидаги формула

тавсия

$$\Delta(A_{т.ўрт.}; I_v) = \frac{B^x_t}{M^x \cdot A^x_c \cdot K^x_{с} \cdot U^x_{ик} \cdot I^x_v} - \frac{B^x_t}{M^x \cdot A^x_c \cdot K^x_{с} \cdot U^x_{р} \cdot I^x_v}$$

этилади:

(3.10)

Одатдагидек, барча омиллар таъсири автомобил сервиси самарадорлигининг умумий фарқи ($\Delta A_{т.ўрт.}$)га тенг бўлиши лозим. Яъни:

$$\Delta A_{т.ўрт.} = \Delta(A_{т.ўрт.}; B_t) \pm \Delta(A_{т.ўрт.}; M_m) \pm \Delta(A_{т.ўрт.}; A_c) \pm \Delta(A_{т.ўрт.}; K_c) \pm \Delta(A_{т.ўрт.}; Y_{ик}) \pm \Delta(A_{т.ўрт.}; I_v); \quad (3.11)$$

Ушбу назарий тавсияларга амалий маълумотларни қўллаш орқали натижа ўзгаришига тегишли омиллар таъсири ва мавжуд ички имкониятларни аниқлаб, улардан оқилона фойдаланишга доир бошқарув қарорини қабул қилиш мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, омиллар таъсири натижага боғлиқлиги учун уларни аниқлаш мақсадида иқтисодий таҳлилнинг бир қанча усулларидан фойдаланиш мумкин экан. Бу усуллар орқали ўрганилаётган натижавий кўрсаткичга таъсир этувчи омиллар таъсирини аниқлаш билан бирга тегишли бошқарув қарорларини қабул қилишда ички имкониятлардан фойдаланиш йўллари кўрсатиб берилади. Бу ҳолат жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этиб турган бугунги шароитда, айниқса муҳим аҳамиятга эга. Чунки бозор муносабатлари шароитида барча ресурс ва маблағлар мулкдорга тегишли бўлиб, уларнинг тежалиши ва самарали фойдаланилишидан нафақат мулкдор, балки давлат ва жамият ҳам манфаатдордир.

ХУЛОСА

Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни оширишнинг мазмуни, уларни ривожлантиришнинг назарий ва ҳуқуқий масалалари, мамлакатимиз иқтисодиётида тутган ўрни ва шу соҳа самарадорлигини оширишнинг объектив зарурлигини атрофлича ўрганиш қуйидаги хулосаларга олиб келди ва улар асосида тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш имконини берди.

1. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга мамлакатимизда устувор вазифалардан бири сифатида қаралиши туфайли 2005-2009 йилларда улар фаолиятини тартибга солиш, давлат аралашувини чеклаш, турли маъмурий тўсиқларни олиб ташлаш ва уларнинг самарали ишлашларини таъминлаш мақсадида Республика Президенти томонидан кўплаб Фармонлар ва Қарорлар қабул қилиниши ушбу соҳа мамлакатимиз раҳбариятининг доимий эътиборида эканлигидан далолат беради. Бу ҳолат мазкур соҳанинг назарий ва амалий муаммоларини ўрганиш ва уларни ҳал қилиш йўллари ишлаб чиқишни тақозо этади. Аммо иқтисодий адабиётларда хизмат кўрсатиш соҳасининг назарий масалалари, унинг самарадорлигини ошириш йўллари жуда кам ўрганилган.

2. Тадқиқотлар натижасида мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган бизнес мактаблари ва касб-хунар коллежларида алоҳида мутахассислар (менежерлар, маркетинглар, ҳуқуқшунослар, иқтисодчилар каби) эмас, балки соҳалар бўйича, хусусан, хизмат соҳасида шуғулланадиган тадбиркорлар (уй хўжалиги тадбиркори, фермер хўжалиги тадбиркори, деҳқон хўжалиги тадбиркори, мева ва сабзовотларни қайта ишлаш тадбиркори, хизмат соҳаси тадбиркори каби) тайёрлаш лозимлиги асосланди.

3. Ишда хизмат кўрсатиш соҳасининг иқтисодиётда тутган ўрни ва унинг келажақдаги ривожланиш истиқболи кўрсатилди. Ушбу соҳа нафақат иқтисодиётимизнинг юксалишини таъминлашда, балки мамлакатимиз учун ниҳоятда муҳим бўлган бандлик муаммоси ва аҳоли даромадларини ошириш масалаларини ҳал этишда ҳам етакчи ўрин эгаллаётганлиги кўрсатиб ўтилди, ҳамда келажақда мазкур соҳа улушининг ошиб бориши назарий жиҳатдан асосланди.

4. Мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни амалга оширишда муайян тажрибага эришилган бўлсада, хизмат кўрсатиш билан боғлиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга доир бир қанча мавжуд муаммоларни ҳал қилиш йўллари асосланди. Жумладан, иқтисодиётда давлат монополиясининг ҳар қандай шакллари билан даражада чеклаш, иқтисодиётнинг барча бўғинларига эркинлик бериш; тадбиркорлик фаолиятини текширувчи идораларнинг мувофиқлаштирилган фаолиятини янада такомиллаштириш, бу ўринда аудиторлик фаолиятини кучайтириш,

уларнинг маъсулиятини ошириш, ваколатларини кенгайтириш; мулкчиликка оид қонунчиликни такомиллаштириш, яъни мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини кучайтириш; ишлаб чиқариш ва экспорт тизимида хизматлар улушини кўпайтириш; бозорга киришдаги маъмурий тўсиқларни чеклаш; суғурта хизматларини кенг кўламда ривожлантириш кабилар.

5. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни оширишнинг объектив зарурлиги асосланди. Ушбу соҳани ривожлантириш мамлакат ялпи ички маҳсулотини кўпайтиришга, иқтисодиётда бандлик даражасини оширишга, давлат бюджетига тўланадиган солиқлар ва бошқа тушумларни кўпайтиришга, мамлакатимиз бозорини истеъмол товарлари билан тўлдиришга, янги иш ўринларини яратиш каби энг муҳим масалаларни ҳал қилишга олиб келиши асосланди ва келажакда бу жараён давом этиши мумкинлиги кўрсатиб берилди.

6. Хизмат кўрсатувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни баҳолашнинг асосий концептуал йўналишлари қараб чиқилди. Бунда биринчидан, тегишли кўрсаткичларни аниқлаш лозимлиги айtilган бўлса, иккинчидан, ушбу кўрсаткичлар ҳолатига хизмат кўрсатишнинг 11 та соҳаси бўйича тадқиқ қилинган шаҳобчалар мисолида баҳо берилди. Мазкур соҳанинг аксарият қисми микрофирма ва кичик бизнес шаҳобчаларидан иборатлиги туфайли тадқиқот маълумотлари асосан, социологик сўров натижасида жамланди. Акс ҳолда, мазкур соҳада амалдаги тизимли молиявий ҳисоботлар қатъий регламент бўйича тузилмаслиги туфайли соҳанинг реал ҳолатига илмий ва иқтисодий жиҳатдан асосланган тарзда баҳо беришда бироз қийинчиликлар туғилиши мумкин эди.

7. Самарадорлик кўрсаткичларининг даражаси хизмат кўрсатишнинг турли соҳаларда турлича экан. Бозор муносабатлари шароитида фаолиятни танлашда ушбу ҳолатларга эътиборни қаратиш лозимлиги 5 та асосий кўрсаткичларни таҳлил қилиш орқали асосланди. Автосервис соҳасига талабнинг кучайиши инобатга олиниб, мазкур соҳа фаолиятини таҳлил қилиш усуллари кўрсатиб берилди.

8. Бозор муносабатлари шароитида аҳолига сервис хизматини яхшилашнинг устувор йўналишларидан бири – йўловчи ташиш жараёнидаги автомобил сервисининг ўрни муҳимлигидан келиб чиқиб, ушбу соҳа самарадорлигини ошириш имкониятларини аниқлашга алоҳида аҳамият берилди. Чунки, мазкур соҳада эркин рақобат муҳити яратилган. Зеро, соҳада давлат мулки билан бир вақтда нодавлат - хусусий сектор ҳам фаол иштирок этмоқда. Бу ҳолатни иқтисодий жиҳатдан тўғри баҳолаш учун унинг самарадорлик кўрсаткичларига алоҳида аҳамият бериш лозимлиги ва соҳа самарадорлигини ифодалаш учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги асосланди. Бунга автомобил сервисининг

рентабеллиги; бир автомобил билан ташилган йўловчиларнинг ўртача сони; бир авт/км (бир автомобилнинг 1 км масофани босиб ўтиш йўли)га тўғри келадиган ўртача тушум киритилди. Ушбу кўрсаткичлар орқали самарадорликни оширишнинг ички имкониятларини ахтариб топиш бўйича омилли таҳлил усулларида фойдаланилди ва аниқ маълумотларни қўллаган ҳолда тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

9. Хизмат кўрсатувчи корхоналарда рентабелликни ифодалаш учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб топилди ва уларни маълум белгилари бўйича таснифлаб бир тизимга келтириш лозимлиги асосланди. Хизмат кўрсатувчи корхоналарда рентабеллик кўрсаткичлари мулкдор нуқтаи назаридан қуйидаги гуруҳларга бўлиниши асосланди: умумий рентабелликни ифодаловчи кўрсаткичлар, иқтисодий рентабелликни ифодаловчи кўрсаткичлар, молиявий рентабелликни ифодаловчи кўрсаткичлар. Ушбу гуруҳларга кирувчи кўрсаткичлар тизими ишлаб чиқилди ва уларни баҳолаш йўллари кўрсатиб берилди.

Агар бизнинг ушбу тавсияларимиз тегишли фан тармоғи ва амалиётда қўлланилса, ўйлаймизки, хизмат кўрсатиш соҳасида мавжуд бўлган ички имкониятлар аниқланади ва соҳанинг самарали ишлаши таъминланади. Бу айниқса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг олдини олиш ва унинг таъсирини юмшатиш бўйича чоралар изланаётган бугунги кунда ўта муҳимдир.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. - Т.: Ўзбекистон, 2008. - 56 бет.
2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Президент И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган кўшма мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи. 2007 йил 31 август.
3. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислам Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи. 2009 йил 14 февраль.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пайдевордир. Президент И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. // Халқ сўзи. 2009 йил 6 декабрь.
5. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Президент Ислам Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи. 2010 йил 30 январь.
6. Саак А.Э.,Якименко М.В. Менеджмент в индустрии гостеприимства. (гостиницы и рестораны). Учебное пособие. -СПБ.: Питер, 2007. - 432 с.
7. Самуэльсон П.А. Экономика.-М.:МГП.«Альтон»,ВНИИСИИ,1992.
8. Сариков Э., Маматов М. Иқтисодиёт ва бизнес асослари. Ўқув қўлланма. - Т.: Шарқ, 1997.
9. Сергеев А.Г., Латышев М.В., Терегеря В.В. Метрология, стандартизация, сертификация. Учебное пособие. - М.: Логос, 2003. – 536 с.
10. Смиidt А. Исследование о природе и причинах богатства народов. - М.: Соцэкгиз, 1962.
11. Тулаходжаева М.М. Аудит финансового состояния предприятия. - Т.: Мир экономика и права, 1996.
12. Тўхлиев Н., Ўзбекистон иқтисодиёти. -Т.: Ўқитувчи, 1994 ва 1998.

13. Тўхлиев Н., Ўлмасов А. Ишбилармонлар лугати. - Т.: Қомуслар Бош тахририяти, 1993.
14. Учебник по основам экономической теории. - М.: ВЛАДОС, 1994.
15. Хайдаров Ш.У. Лизинг: Признание, оценка и учет // Хайдаров Ш.У., Ортиқов Х.А., Тухсанов Х.А. - Т.: ООО "NORMA", 2006. – 240 с.
16. Чжен В.А. ва бошқалар. Бозор қонунияти асослари. - Т.: Бизнес каталог, 1996.
17. Шарифхўжаев М. Истиқлол истиқболлари. -Т.: Ўзбекистон, 1994.
18. Шарифхўжаев М. Ифтихор. - Т.: Ўзбекистон, 1993.
19. Шеремет А.Д. Комплексный экономический анализ деятельности предприятия (вопросы методологии). - М.: Экономика, 1974.
20. Шеремет А.Д. Методика финансового анализа предприятия. - М.: ИПО «МП», 1996.
21. Шишкин А.Ф. Экономическая теория в двух книгах. - М.: «Гуманитарный издательский центр ВЛАДОС», 1996.
22. Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика: Пер. с англ. - М.: Дело ЛТД, 1993.
23. Файзиев Э.С. Сервис соҳасининг иқтисодиётдаги ўрни. Рисола. - Т.: Fan va texnoloqiya, 2007. – 16 бет.
24. Файзиев Э.С. Сервис тизими фаолияти асослари. Маърузалар матни. - Самарқанд: 2007. – 208 бет.
25. Федцов В.Г. Культура гостинично-туристского сервиса. Учебное пособие. - Ростов Дон.: Феникс, 2008. - 503 с.
26. Эшмухамедов А.Э. ва бошқалар. Бозор муносабатлари шароитида миллий иқтисодиётнинг ривожланиши. - Т.: Ўқитувчи, 1996.
27. Экономическая теория. Учебник для студентов ВУЗ, обучающихся по экономическим специальностям. - Т.: Шарк, 1999.
28. Экономический анализ деятельности предприятий. Под ред. Н.В.Дембинского. - Минск: Высшая школа, 1981.
29. Экономика предприятия. Пер. с нем. - М.: ИНФРА. 1999. - 928 с.
30. Язык бизнеса.Под общей редакцией В.А.Чжена.-Т.:ИПК Шарк, 1995.
31. Ўлмасов А., Тўхлиев Н. Бозор иқтисодиёти. Қисқача лугат-маълумотнома. - Т.: Қомуслар бош тахририяти, 1991.
32. Ўлмасов А. Иқтисодиёт асослари. - Т.: Мехнат, 1997. - 192 бет.
33. Ўлмасов А. Оила иқтисоди. - Т.: Мехнат, 1998.
34. Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. - Т.: Мехнат, 1996.
35. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. - М.: «Русский язык», 1981, 1 том. 526 бет.
36. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти. Тузувчи муаллиф Н.Тўхлиев. - Т.: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 1998.

37. Қудратов Ғ.Ҳ., Пардаев М.Қ., Абдукаримов Б.А. Сервис ривож – аҳолининг бандлигини таъминлаш ва фаровонлигини ошириш омили. Рисола. - Т.: Fan va texnoloqiya, 2007. – 28 бет.
38. Қудратов Ғ.Ҳ., Пардаев М.Қ., Шодиева Г.М. Касаначилик – аҳолининг бандлиги ва фаровонлигини ошириш омили. Рисола. - Т.: Fan va texnoloqiya, 2007. – 32 бет.
39. Қудратов Ғ.Ҳ., Мирзаев Ҳ.Ж., Пардаев М.Қ. Агросервисни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Рисола. - Т.: Fan va texnoloqiya, 2007. – 16 бет.
40. Қудратов Ғ.Ҳ., Пардаев М.Қ., Ўзбекистоннинг 16 йиллик тараққиёт йўли: натижалар ва вазифалар. Рисола. - Т.: Fan va texnoloqiya, 2007. – 20 бет.

1-илова

ЎзРУТ 004–98. Ташкилий–ҳуқуқий шакллар таснифлагичи

КОД	НОМИ
1000	ТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ
1100	Корхоналар
1110	Давлат корхоналари
1120	Жамоат бирлашма (ташкилот) лари корхоналари
1130	Матлубот жамиятлари корхоналари
1140	Маҳалла корхоналари
1150	Очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятлари
1160	Ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятлари
1170	Ишлаб чиқариш ширкатлари
1180	Дехқон ва фермер хўжаликлари бирлашмаси
1190	Мулкдорлар
1200	Ижара корхоналари
1210	Уюшма (союз) лар
1220	Концернлар
1230	Очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти корхона бирлашмалари
1240	Ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти корхона бирлашмалари
1250	Корпорациялар
1260	Холдинг компаниялари
1270	Хусусийлаштирилган инвестицион фондлар
1290	Бошқа тижорат ташкилотлари
2000	НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАР
2100	Давлат муассасалари
2200	Жамоат бирлашма (ташкилот) лари
2300	Жамоат бирлашма (ташкилот) лари муассасалари
2400	Матлубот жамиятлари
2500	Матлубот жамиятлари уюшмалари
2600	Матлубот жамияти муассасалари
2700	Молия — саноат гуруҳлари
2800	Давлат корхоналари
2900	Бошқа нотижорат ташкилотлари

2-илова

КОД	НОМИ
100	ХУСУСИЙ МУЛК
110	Фуқаролар хусусий мулки
111	Юридик шахс ҳисобланмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг хусусий мулки
112	Деҳқон хўжалиги мулки
113	Фермер хўжалиги мулки
114	Ишлаб чиқариш воситалари ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотга (юридик шахс ҳисобланган ҳолда) фуқаронинг хусусий мулкчилиги
115	Хусусий фирма
116	Умумий (жамоа) мулки
120	Маҳалла мулки
130	Ширкат мулки
131	Матлубот жамияти мулки
133	Қишлоқ хўжалик кооперативлар (ширкатлар) мулки
134	Жамоа хўжаликлар мулки
135	Унитар корхона мулки
136	Ишлаб чиқариш кооперативлар мулки
140	Хўжалик бирлашма (жамият) лар мулки
141	Хўжалик жамиятлар мулки
142	Хўжалик жамиятлари (масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамиятлар) мулки
143	Ширкат мулки
144	Очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятлари мулки
145	Ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятлари мулки
146	Юридик шахслар бирлашмалари (ассоциациялар ва иттифоқлар) мулки
147	Коммандитли (тўлиқ) ўртоқлик мулки
148	Шўъба хўжалик жамияти мулки
150	Жамоат бирлашмалари мулки
151	Диний ташкилотлар мулки
152	Жамоат ташкилотлари мулки
154	Жамоат фондлари мулки
155	Жамоат ассоциациялари, иттифоқлари ва федерациялари мулки
160	Қўшма корхоналар, чет эл фуқаро ва ташкилотлари мулки
161	Қўшма корхоналар мулки
162	Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар мулки
163	Чет эл юридик шахслари (чет эл фирмаларининг филиал ва бўлинмалари) мулки
164	Чет эл давлатлари ва халқаро ташкилотлари мулки
165	Дипломатик хизматлар ва ваколатхоналар мулки

166	Халқаро ташкилотлар ва давлатлараро бирлашмалар мулки
190	Мулкчиликнинг бошқа турлари
200	ОММАВИЙ МУЛК
210	Республика мулки
211	Давлат концернлари мулки
212	Давлат муассаса мулки
213	Давлат ташкилотлари ва корхоналари мулки
214	Ўқув ва илмий–тадқиқот муассасалари мулки
215	Давлат фондлари мулки
220	Муниципиал мулки (маъмурий–худудий тузилмалар)
221	Қорақалпоғистон Республикаси мулки
222	Вилоят ҳокимиятлари мулки
223	Туман ҳокимиятлари мулки
224	Шаҳар ҳокимиятлари мулки
225	Турор жой ва коммунал хўжаликлари мулки
226	Халқ таълими, маданият ва соғлиқни сақлаш муассасалари мулки
227	Маҳалла (шаҳар) (фуқороларни ўзини–ўзи бошқариш) мулки
228	Қишлоқ фуқороларни ўзини–ўзи бошқариш мулки
290	Оммавий мулкнинг бошқа турлари